

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

УРҒАНЧ RANCH ТЕХНОЛОГИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

СУВОНОВ КАЙИМ ЖАХОНОВИЧ

ОЛИМОВ АЗИМЖОН БАХРАМОВИЧ

ХАЛМАНОВ БАХОДИР АБДИРАШИДОВИЧ

**ТИШ ИМПЛАНТЦИЯСИНИНГ ИККИЛАМЧИ ЯЛЛИҒЛАНИШ
АСОРАТЛАРИНИ ПРОФИЛАКТИКАСИ**

МОНОГРАФИЯ

Тошкент - 2025

Муалифлар:

Сувонов К.Ж.-Урганч RANSH технология университети клиник фанлар
кафедраси мудири т.ф.д., доцент;

Олимов А.Б.-ТДТУ хирургик стоматология ва дентал имплантология
кафедраси ассистенти т.ф.н.;

Халманов Б.А.-ТДТУ хирургик стоматология ва дентал имплантология
кафедраси доценти т.ф.н., доцент.

Такризчилар:

Шомуродов К.Э.- ТДТУ юз-жағ жаррохлиги кафедраси мудири
тиббиёт фанлари доктори, профессор;

Курыззов А.К.-Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали стоматология
кафедраси мудири т.ф.д., доцент

Монография Урганч RANSH технология университети Илмий Кенгашида
тасдиқланган 2025 йил « » октябрь баённома №

Илмий Кенгаш котиби, _____

Монографияда периимплантит ривожланишининг этиопатологик асослари ва
асосий хавф омиллари, тиш имплантациясининг иккиламчи яллиғланиш
асоратлари хавфини камайтириш бўйича профилактик чора-тадбирларни
ишлаб чиқиш асослари келтирилган.

Монография кенг доирадаги стоматолог-имплантологлар, докторантлар,
клиник ординаторлар, магистратура талабалари ва тиббиёт олий ўқув
юртлари талабаларига мўлжалланган.

КИРИШ

Мамлакатимизда ҳамда чет элда олиб борилган кўп сонли тадқиқотларга қарамай, дентал имплантациядан кейинги яллиғланишли асоратларнинг этиологияси ва патогенези охиригача тўлиқ аниқланмаган. Стоматологик хизмат кўрсатиш бозорини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, дунё бўйича ҳар йили 2 миллиондан ортиқ имплантлар ўрнатилмоқда. “... охириги йилларда имплантация операциядан кейинги эрта даврдаги юқори даражали муваффақиятлари билан ажралиб турганига қарамай, илмий адабиётларда биринчи навбатда остеоинтеграцияланган имплантатни ўраб турувчи тўқималарда яллиғланиш ривожланиши билан боғлиқ кечки асоратлар хавфи тўғрисидаги маълумотлар кўпроқ учраб турибди”¹. Имплант ички бўшлиғи таркибини клиник босқичда фикстурага супраструктурани (таянчга имплант устки қисмини) ўрнатиш вақтида герметизациялаш профилактик чора-тадбир сифатида хизмат қилиши мумкин. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, имплантат-абатмент интерфейсини тўлиқ изоляциялаб бўлмайди, изоляцияловчи воситалар эса фақат микрооқмани камайтиришга ёрдам беради, шунга қарамай, герметикловчи гел қўлланилганда бактериялар экспансияси сезиларсиз даражагача камайиши мумкин. Ушбу препаратнинг маҳаллий аналоглари мавжуд бўлмаганлиги сабабли, биз ушбу йўналишда тадқиқотларни ишлаб чиқиш ва ўтказишни муҳим деб ҳисобладик.

Бугунги кунда дунё бўйича жуда кўп илмий тадқиқотлар дентал имплантациядан кейинги иккиламчи асоратларни олдини олишга бағишланган. Шу билан бирга, хорижий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли гуруҳларда текширилган беморлар бунга турли сабабларни кўрсатади ва шу сабабли ушбу патологияни тўлиқ даволаш имконияти мавжуд эмас. Бир қатор тугалланган илмий ишлар жуда турли хил бўлган асоратларнинг объектив кўринишларини ўрганишга бағишланган. Оғиз бўшлиғининг микробиологик ва биокимёвий кўрсаткичлари ўртасида муайян боғлиқлик қайд этилган. Муаммонинг долзарблиги ва илмий тадқиқотларнинг етарли даражада эмаслиги, ушбу ҳолатдан азият чекаётган

беморларнинг кўплиги, ушбу масала бўйича келгусидаги тадқиқотларнинг назарий ва амалий аҳамиятини белгилаб берди.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, хусусан, стоматологик касалликлар ва уларнинг асоратларини камайтириш, шунингдек ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилиб, “...тиббий ёрдам самарадорлигини, сифатини ва оммабоплигини ошириш, шу жумладан тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усуллари, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини жорий этиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш..”² каби вазифалар белгилаб олинди. Мазкур вазифалар замонавий тиббий ёрдам кўрсатишни янги босқичга кўтариш, аҳоли ўртасида стоматологик касалликлар асоратларини ташхислаш ва даволаш, сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш каби чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш учун устувор йўналишларни белгилаб беради.

Мазкур илмий тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2016 йил 2 ноябрдаги “2016-2020-йилларда Ўзбекистонда оналар ва болаларни ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2650-сонли қарори ва 2017 йил 20 июндаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3071-сонли қарори, шунингдек бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу монография маълум даражада ҳисса қўшади деган умиддамиз.

Муалифлар.

I-БОБ. ПЕРИМПЛАНТИТ РИВОЖЛАНИШИ ВА АСОРАТЛАРИНИНГ ЭТИОПАТОГЕНЕТИК АСОСЛАРИ ҲАМДА ДЕНТАЛ ИМПЛАНТАЦИЯ АСОРАТЛАРИ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИНИ КАМАЙТИРИШ БЎЙИЧА ПРОФИЛАКТИК ЧОРА-ТАДБИРЛАР АДАБИЁТЛАР ШАРХИ.

Илмий-тадқиқот ишларини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш учун тадқиқот мавзусининг долзарблиги ҳамда шу соҳада олиб борилаётган тадқиқотлардан хабардор бўлиш керак. Шу ўринда ушбу монографиянинг танланган мавзуси бўйича сўнгги йиллардаги адабий манбаларни таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик.

1.1. Периимплантит этиологияси, патогенези ва хавф омиллари

Сўнгги ўн йилликда дентал имплантация қисман ва тўлиқ адентияни даволаш усули сифатида замонавий ортопедик стоматологияда кучли мавқега эга бўлмоқда. Стоматология хизматлари бозори таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар йили дунёда 2 миллиондан ортик имплантлар ўрнатилади (61). Сўнгги йилларда имплантация операциядан кейинги эрта даврда юқори даражали муваффақияти билан ажралиб турибди, компьютер моделлаштириш ёрдамида ҳисоб-китобларни амалга оширадиган етакчи ишлаб чиқарувчилар томонидан имплантларнинг турли шакллари суяк тўқималарига имплантация қилиш усуллари таклиф қилинди ва ишлаб чиқилди ҳамда суяк тўқималарининг ҳар хил турлари учун бир неча турдаги резбаларни танлаш таклиф этилди (33; 12; 51), лекин шунга қарамай, биринчи навбатда, остеоинтеграцияланган имплант атрофидаги тўқималар яллиғланишининг ривожланиши билан боғлиқ кечки асоратларнинг учраш эҳтимоли стоматологиянинг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Муаммони ҳал қилиш йўллари топиш учун имплантат атрофидаги тўқималарда юзага келадиган яллиғланиш жараёнини аниқ тушуниш керак. Бугунги кунда периимплантацион мукозит ва периимплантитни фарқлаш қабул қилинган (75). Турли муаллифларнинг фикрига кўра, мукозитнинг тарқалиши 32 %дан 54% гача, периимплантит тарқалиши – 14% дан 30% гача учрайди (9; 74). Бу икки патология худди гингивит периодонтит билан

боғлиқ бўлгандай бир-бири билан ўзаро боғлиқ, яъни улар умумий этиологик омилларга, ўхшаш патогенезга эга ва битта яллиғланиш-атрофик жараённинг моҳиятан турли босқичлари ҳисобланади (47;48; 86).

Периимплантит ривожланишига сабаб оғиз бўшлиғи инфекциясининг имплант ва суяк ўртасидаги контакт зонасига кириб бориши бўлиши мумкин (11). Периимплантитда микроб таркиби ҳозирда маълум бўлиб, у хилма-хил аэроблар ва анаэроблардан (*Prevotella Intermedia.*, *Porphyromonas Gingivalis*, *Treponema Denticola*, *Veillonella spp*, *Branhamella Catarrhalis*) иборат, уларнинг мавжудлиги пародонтнинг яллиғланиш жараёнлари - гингивит ва периодонтитга хосдир (42). Ушбу касалликларнинг махсус қўзғатувчиси сифатида микроорганизмлар аниқланмаган. Аниқланган микроорганизмларнинг аксарияти шартли патоген, баъзилари сапрофитлардир. Анаэроб моддаларнинг бундай юқори салмоғи ва уларнинг хилма-хиллиги юқумли-яллиғланиш жараёнининг “етакчи” бўлиши мумкин бўлган патоген микроорганизмларни аниқлашни қийинлаштиради. Шубҳасиз, бу энг кўп ташхисланадиган патогенларнинг қўшма таъсири ва паразитоз анаэроб агентларининг ўзаро таъсирлашув хусусиятлари кўп жиҳатдан имплант атрофида ривожланадиган, имплант соҳасидаги суяк тўқимасини парчалаш ва резорбциялашга қодир бўлган яллиғланиш жараёнининг табиатини белгилаши мумкин. Бир қатор муаллифларнинг фикрига кўра, мукозит етарли даражада даволанмаса, беш йилдан сўнг 43% ҳолларда периимплантитга айланади, қўллаб-қувватловчи терапия эса бу частотани 18% гача камайтиради (65; 84).

Шундай қилиб, дентал имплантат ўрнатилганидан сўнг унинг атрофидаги яллиғланиш-деструктив жараёнларнинг кечишини, организмнинг имплантатни ўзига ёт жисм сифатидаги реакциясини тушуниш, олимлар ва имплант ишлаб чиқарувчиларни касалликларнинг мавжуд бўлган консерватив ва жарроҳлик даволаш усуллариини такомиллаштириш ҳамда мазкур патология ривожланишини олдини олишга ва хавф омилларига катта эътибор қаратишга йўналтиради.

Барча хавф омилларини умумий ва маҳаллийга бўлиш мумкин. Умумийга чекиш, баъзи тадқиқотчилар томонидан нурли терапиядан кейин аниқланадиган ҳолат - тизимли патология (қандли диабет, юрак-қон томир тизими касалликлари, иммунтанқислик ҳолатлари) киради. Маҳаллийга қониқарсиз оғиз бўшлиғи гигиенаси, анамнезда пародонт касалликларининг мавжудлиги, ятроген ҳолатлар, имплантатнинг трансгингивиял қисмига ишлов бериш дизайни ва сифати, суяк тўқимасининг резорбцияси ва ҳ.к. киради.

Суяк тўқимасининг резорбцияси имплантнинг қимирлашига ва кейинчалик тушиб кетишига сабаб бўлади. Бошқа кўплаб омиллар билан бир каторда (жарроҳлик босқичини ўтказиш техникаси, унинг жароҳатлилиги, имплант жойини тайёрлаш пайтида ҳаддан ташқари қизиб кетиши, имплантация усули - икки босқичли ёки бир босқичли, умуморганлар патологияси, нотўғри протезлаш ва натижада тиш имплантати соҳасига ортиқча юклама бўлиши) имплантни ўраб турган тўқималарнинг яллиғланишини пародонтопатоген микрофлора келтириб чиқаради деган нуқтаи назар мавжуд, аммо унинг периимплантит ривожланишидаги роли ҳақидаги маълумотлар бунга қарама-қарши (76; 70; 77).

Кўпинча, суяк тўқимаси атрофияси параимплант соҳада имплантат қўйилгандан кейинги биринчи йилда содир бўлади.

Широков И.Ю, 2012, икки компонентли тиш имплантларини 15 йил давомида, яъни узоқ муддат кузатишни амалга оширди. Тадқиқотчилар остеоинтеграциядан биринчи йил охиригача бўлган даврда суяк четида 1,2 мм даражадаги атрофияни қайд этдилар. Платформаси супракрестал жойлашган имплантлар алвеоляр тизмада, айниқса юқори жағда суяк йўқотилишини кўрсатди. Широков И.Ю, 2012, икки компонентли тиш имплантларини 15 йил давомида, яъни узоқ муддат кузатишни амалга оширди. Тадқиқотчилар остеоинтеграциядан биринчи йил охиригача бўлган даврда суяк четида 1,2 мм даражадаги атрофияни қайд этдилар. Платформаси

супракрестал жойлашган имплантлар алвеоляр тизмада, айниқса юқори жағда суяк йўқотилишини кўрсатди.

Ушбу атрофия учун жарроҳлик жароҳати, функционал ортиқча юклама, имплант ҳудудида бактериал яллиғланишнинг мавжудлиги ва абатмент билан интерфейс мажмуаси соҳасида бўшлиқнинг бўлиши каби бир нечта тушунтиришлар таклиф қилинди (60).

Имплант атрофида суяк резорбциясига олиб келиши мумкин бўлган яна бир омил - протезлаш босқичларида супраструктураларни имплант фикстураси билан кўп маротаба йиғиш ва ечиш бўлиши мумкин. Худди шу омил милк чети юмшоқ тўқималарини яллиғлантириши мумкин. Шунга ўхшаш феномен билан Журули Г.Н. (2010) итлар устида ўтказилган тажрибаларда шуғулланган. Ҳар бир ҳайвонга премолярлар соҳасига бириктирилган абатментлар билан иккита имплант ўрнатилди. Улардан бири ҳар ой ечилди (абатмент имплантдан бураб ечиб олинди), иккинчиси бутун тажриба мобайнида (6 ой) ечилмади. Олти ой ўтгач, пери-имплант зонасидаги суякнинг гистологик таҳлили ўтказилди. Имплант бўйни соҳасида суяк тўқималарининг маргинал резорбцияси ва периимплант манжетининг апикал силжиши аниқланди.

Шомуродов К.Э.ва ҳаммуаллифлар (2024) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, тиш имплантати ҳудудида алвеоляр суякнинг атрофияси бевосита алвеоляр тизма кортикал пластинкаси даражасида имплант-абатмент мажмуаси платформасининг жойлашишига боғлиқ. Бу яллиғланиш жараёнининг бошланиши ва ривожланишининг сабаби бўлиши мумкин, чунки бу соҳада патогенлар тўпланади.

Алвеоляр суякнинг йўқотилиши пародонтитдаги ўзгаришларга ўхшаб, милклар юмшоқ тўқималари ҳажмининг мутаносиб равишда кичрайишига олиб келиши мумкин (64;67).

Терентьев А.В. (2011), трансгингивал қисмининг баландлиги турлича бўлган 200 та имплантнинг узок муддатли клиник кузатувларида унинг узунлиги суяк тўқималарининг атрофияси жараёнида муҳим рол

ўйнамаслигини, аммо имплантат ва абатмент жойлашишида платформанинг жойлашиши муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этишган.

Чо, Сунг Ам (2009) кўрсатдики, абатментни имплантга бириктирувчи платформанинг алвеоляр тизма суягининг кортикал пластинкаси даражасида ёки ундан пастда жойлашиши периимплантит ва унинг атрофияси ривожланишига олиб келиши мумкин. Имплант атрофида суяк резорбциясига олиб келиши мумкин бўлган яна бир омил - протезлаш босқичларида супраструктураларни имплант фикстураси билан кўп маротаба йиғиш ва ечиш бўлиши мумкин. Худди шу омил милк чети юмшоқ тўқималарини яллиғлантириши мумкин. Шунга ўхшаш феномен билан Журули Г.Н. (2010) итлар устида ўтказилган тажрибаларда шуғулланган. Ҳар бир ҳайвонга премолярлар соҳасига бириктирилган абатментлар билан иккита имплант ўрнатилди. Улардан бири ҳар ой ечилди (абатмент имплантдан бураб ечиб олинди), иккинчиси бутун тажриба мобайнида (6 ой) ечилмади. Олти ой ўтгач, пери-имплант зонасидаги суякнинг гистологик таҳлили ўтказилди. Имплант бўйни соҳасида суяк тўқималарининг маргинал резорбцияси ва периимплант манжетининг апикал силжиши аниқланди.

Шомуродов К.Э.ва ҳаммуаллифлар (2024) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, тиш имплантати ҳудудида алвеоляр суякнинг атрофияси бевосита алвеоляр тизма кортикал пластинкаси даражасида имплант-абатмент мажмуаси платформасининг жойлашишига боғлиқ. Бу яллиғланиш жараёнининг бошланиши ва ривожланишининг сабаби бўлиши мумкин, чунки бу соҳада патогенлар тўпланади.

Алвеоляр суякнинг йўқотилиши пародонтитдаги ўзгаришларга ўхшаб, милклар юмшоқ тўқималари ҳажмининг мутаносиб равишда кичрайишига олиб келиши мумкин (64;67).

Терентьев А.В. (2011), трансгингивал қисмининг баландлиги турлича бўлган 200 та имплантнинг узок муддатли клиник кузатувларида унинг узунлиги суяк тўқималарининг атрофияси жараёнида муҳим рол

ўйнамаслигини, аммо имплантат ва абатмент жойлашишида платформанинг жойлашиши муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этишган.

Чо, Сунг Ам (2009) кўрсатдики, абатментни имплантга бириктирувчи платформанинг алвеоляр тизма суягининг кортикал пластинкаси даражасида ёки ундан пастда жойлашиши периимплантит ва унинг атрофияси ривожланишига олиб келиши мумкин. Уч турдаги имплантларни жойлаштириш бўйича тадқиқотлар учта маймунлар гуруҳида ўтказилди. Имплантиция тиш олингандан сўнг дарҳол амалга оширилди. Имплантатнинг эрта бевосита юкламаси. Биринчи гуруҳда имплантиция платформаси суяк сатҳидан 1-1,5 мм баландликда; иккинчи гуруҳда - суяк даражасида, учинчи гуруҳда - 1-1,5 мм субкрестал жойлашди. Биринчи гуруҳда суякларнинг атрофияси $0,12 \pm 0,13$ мм, иккинчи гуруҳда - $2,1 \pm 0,29$ мм, учинчи гуруҳда - $3,6 \pm 0,46$ мм ни ташкил этди. Муаллифлар тожга нисбатан имплант ва абатмент ўртасидаги чегара қанчалик баланд бўлса, суяк учун хавф шунчалик кам бўлади деган хулосага келишди.

Усмонов Ф.К. ва бошқ., (2023) итларнинг жағ суягига ўрнатилган икки компонентли имплантлар бўйича тажрибаларда имплант атрофидаги суяк ҳажмини сақлаб қолиш учун имплантдан абатментга ўтиш платформасининг чуқурроқ суякичи жойлашуви афзаллигини кўрсатди.

Бир қатор муаллифлар имплант атрофидаги тўқималарнинг ҳолатига алоҳида омиларнинг таъсири бўйича тадқиқотлар ўтказдилар. Масалан, чекиш периимплантит ривожланиши учун энг кенг тарқалган ва кўп аниқланадиган хавф омилдир. Тадқиқотларга кўра (74), чекувчиларда имплант атрофидаги суякларнинг йиллик атрофия даражаси 0,16 мм ни ташкил этади. Чекувчиларда имплант остеоинтеграциясининг тезлиги ва даражаси ҳам камаяди. Баъзи маълумотларга кўра (53), сигарета чекиш, худди анамнезда пародонтит бўлгандек, перимплантит ривожланиш хавфини 4,7 бараварга оширади.

Тизимли патология ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, қандли диабетнинг мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Ушбу касалликни ҳар

қандай жарроҳлик ва пародонтологик аралашувнинг хавф омиллари ва нисбий қарши кўрсатмалари рўйхатида биринчи ўринга қўйиш одатий ҳолга айланди. Бироқ, бир қатор нашрлар қандли диабет билан оғриган беморларда периимплантитнинг кўп учраши ҳақида аниқ хулосалар бермайди. Қонда глюкоза даражасининг юқорилиги тўқималарнинг тикланиш қобилятига халақит бериши мумкин. Шу билан бирга, адабиётларда ушбу касалликлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлиги ҳақида маълумотлар йўқ (83).

Имплантни ўраб турган тишларнинг ҳолати ҳақида унутмаслик керак. Хусусан, оғиз бўшлиғи санациясининг етишмаслиги бактериал микрофлоранинг доимий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Пародонтит билан оғриган беморларнинг микробиологик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, *Agg.bacter actinomycetcommitans* ва *Porphyromonas gingivalis* културалари антибиотикли даволашдан сўнг қисқа вақт ичида тикланади; бошқалар, масалан, *Prevotella intermedia* биоматериал намуналарида доимий равишда аниқланади, яъни флора антибиотик терапияга чидамли. Шундай қилиб, нозология тури - қисман ёки тўлиқ адентия - имплантни ўраб турган тўқималарнинг микробли ифлосланишининг тури ва сифатига таъсир қилиши мумкин (14; 20).

Сирак С.В.ва ҳаммуал. (2013) маълумотларига кўра, яллиғланишнинг клиник ёки рентгенологик манзараси бўлган беморларда 81% ҳолларда имплант периимплант эгатда ортопедик тузилмаларни маҳкамлаш учун цемент қолдиқлари мавжуд бўлган. Улар олиб ташланганидан сўнг, 74% ҳолларда клиник кўрсаткичлар нормал ҳолатга қайтган. Бир гуруҳ тадқиқотчилар (78) шунга ўхшаш тадқиқотларда цемент қолдиқларини олиб ташлаш 60% ҳолларда яллиғланиш реакциясининг камайишига олиб келишини аниқладилар. Бироқ, бир қатор нашрлар қандли диабет билан оғриган беморларда периимплантитнинг кўп учраши ҳақида аниқ хулосалар бермайди. Қонда глюкоза даражасининг юқорилиги тўқималарнинг тикланиш қобилятига халақит бериши мумкин. Шу билан бирга,

адабиётларда ушбу касалликлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик борлиги ҳақида маълумотлар йўқ (83).

Имплантни ўраб турган тишларнинг ҳолати ҳақида унутмаслик керак. Хусусан, оғиз бўшлиғи санациясининг етишмаслиги бактериал микрофлоранинг доимий манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Пародонтит билан оғриган беморларнинг микробиологик тадқиқотлари шуни кўрсатдики, *Agg.bacter actinomycetcommitans* ва *Porphyromonas gingivalis* културалари антибиотикли даволашдан сўнг қисқа вақт ичида тикланади; бошқалар, масалан, *Prevotella intermedia* биоматериал намуналарида доимий равишда аниқланади, яъни флора антибиотик терапияга чидамли. Шундай қилиб, нозология тури - қисман ёки тўлиқ адентия - имплантни ўраб турган тўқималарнинг микробли ифлосланишининг тури ва сифатига таъсир қилиши мумкин (14; 20).

Сирак С.В.ва ҳаммуал. (2013) маълумотларига кўра, яллиғланишнинг клиник ёки рентгенологик манзараси бўлган беморларда 81% ҳолларда имплант периимплант эгатда ортопедик тузилмаларни маҳкамлаш учун цемент қолдиқлари мавжуд бўлган. Улар олиб ташланганидан сўнг, 74% ҳолларда клиник кўрсаткичлар нормал ҳолатга қайтган. Бир гуруҳ тадқиқотчилар (78) шунга ўхшаш тадқиқотларда цемент қолдиқларини олиб ташлаш 60% ҳолларда яллиғланиш реакциясининг камайишига олиб келишини аниқладилар.

Оғиз бўшлиғи гигиенасини нормаллаштириш деганда нафақат имплантациядан олдинги босқичларда санация чора-тадбирларини кўриш, балки операциядан кейинги даврда доимий мониторинг, шу жумладан тишларни мунтазам профессионал тозалаш ҳам ўтказилиши керак. Уларнинг даврийлиги индивидуал равишда йилига 2 мартадан 4 мартагача этиб ўрнатилиши керак. Карашларни шахсий “механик назорат қилиш” (қўлда ёки электр тиш чўткалари билан тозалаш) самарали профилактика чора-тадбири деб ҳисобланиши мумкин (52, 55; 22).

Икки қисмдан иборат имплантни қўллашда имплант ва абатмент ўртасида бўшлиқ бўлиши муқаррар. Бактериялар ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари бу ҳудудга ўрнашиши мумкин ва имплант атрофидаги юмшоқ тўқималарда яллиғланишни юзага келтириши мумкин. Периимплантит хавфини минималлаштириш мақсадида ишлаб чиқарувчи ҳам, шифокорлар ҳам муайян ҳаракатларни амалга ошириши мумкин. Энг муҳими, имплант ва абатмент туташадиган юзаларнинг сифати ва дизайни муҳим рол ўйнайди. Тиш имплантати мажмуаси платформасининг субкрестал жойлашуви яллиғланиш реакцияси хавфини сезиларли даражада камайтириши мумкин. Имплантга абатментни улашда торк қийматларини 25-35 н/см² гача ошириши, агар маълум бир ишлаб чиқарувчи учун мумкин бўлса, профилактика чора-тадбири ҳисобланади (46).

Дентал имплантат ички интерфейсини тўлдириш, микрофлорани имплант атрофидаги тўқималардан имплант ички интерфейсига ва аксинча имплант атрофидаги тўқималарга миграциясини олдини олиш учун герметиклардан фойдаланиш мумкин. Кўпгина тадқиқотлар дентал имплантнинг ички бўшлиғига бактерияларнинг ўтишини исботлади. Бироқ, қайси турдаги бирикма имплант интерфейсидан периимплант тўқималарига бактериал микрооқимини камайтириш ёки йўқ қилиш имконини беради, деган савол очик қолмоқда (2; 75).

Шундай қилиб, ҳозирги пайтда тиш имплантини ўрнатишдан кейин унинг атрофида яллиғланиш-деструктив жараёнлар кечишини тушуниш билан боғлиқ бир қатор муаммолар пайдо бўлади. Ушбу патологиянинг пайдо бўлиши бўйича ягона фикрнинг йўқлиги аввал қўлланилган консерватив ва жарроҳлик усуллари доимий равишда такомиллаштиришни, даволашнинг барча босқичларида профилактика ва реабилитация чора-тадбирларига комплекс ёндашувни ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

1.2. Дентал имплантация асоратлари профилактикасида мақсадли гигиеник тадбирларнинг роли

Адабий манбаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, афсуски, имплантат бўлган беморларда оғиз бўшлиғини гигиеник парвариш қилиш масалалари индивидуал ва профессионал даражада етарлича ишлаб чиқилмаган. (21; 6, 25, 3;82). Шу сабабли, бундай беморларни назорат қилувчи шифокорлар гигиеник парваришнинг қониқарли даражада таъминлаш ва сақлаш учун уларни режалаштириш ва амалга ошириш керак бўлган тадбирларга етарлича эътибор бермайдилар. Имплантдаги микробли карашга турли хил гигиена воситаларининг таъсири бўйича маълумотлар жуда кам. Бир қатор тадқиқотлар қисман тишсизлик бўлган беморларда тиш гигиенаси даражасининг имплант соҳасидаги гигиена даражасига таъсирини тасдиқлади. Масалан, Ризаев Ж.А. ва ҳаммуал. (2023) ўз ишида тишларнинг умумий гигиеник парвариши кўп жиҳатдан ўзаро боғлиқ ва супраконструкцияларнинг гигиеник ҳолатига таъсир қилади деган хулосага келди. Имплант ва шиллиқ қават ўртасида караш шаклланиши, гингивит ва чўнтак ҳосил бўлиши ўртасида статистик боғлиқлик мавжуд (72). Бир қатор тадқиқотлар имплантлар юзасида карашлар шаклланишининг тартибсиз кузатилиши имплант атрофидаги суяк тўқималарининг нобуд бўлишининг кучайишига олиб келиши мумкинлигини тасдиқлади (71). Оғиз бўшлиғига ўрнатилган ҳар қандай конструкция мутахассис томонидан унинг ҳолатини келгусида кузатиш ва баҳолашни, шунингдек, бемор томонидан тегишли парваришни талаб қилади (66).

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, суяк тўқимасига имплантнинг остеоинтеграцияланиш босқичида асоратлар жуда кам - 1 %дан 6% гача бўлади. 1 йилдан 5 йилгача бўлган давр - сунъий таянчларда протезларнинг энг катта барқарорлик даври. Ушбу даврда 6% дан 10% гача муваффақиятсизликлар қайд этилган, улар асосан имплант атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг ўзгариши ва чўнтак шаклланиши билан боғлиқ бўлади. Сунъий таянчлардан 10 йил фойдалангандан сўнг, асоратлар улуши

юқори жағда 20% гача кўтарилади ва пастки жағда бир хил даражада - 10% лигича қолади (73).

Имплантат периметри бўйлаб яллиғланиш ривожланишининг асосий омиллари - юқумли омил ва суяк тўқималарига юклама омилдир. Имплантат соҳасидаги яллиғланиш асоратларининг ривожланиши имплантация тўқималарининг ҳолати ва тузилишига бевосита боғлиқ. Бир қатор муаллифлар имплант юзасида юмшоқ тўқимали “премукозал ўсиш”нинг шаклланиши имплантнинг муваффақиятли ишлаши учун зарурий шарт эканлигини қатъий таъкидлайдилар. Тури қандай бўлишидан қатъий назар, ушбу титанга бирикиш жуда мўрт ва қарашдаги микроорганизмлар таъсирида осонгина парчаланади (47;48).

Афанасьев В.В. ва ҳаммуал. (2009) тиш имплантати ишлашининг ижобий прогнозида беморнинг иммун ҳолатини ҳисобга олиш (биокимёвий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда) ва операциядан олдин бошланган, аниқ режалаштирилган ва тўлиқ амалга оширилган оғиз бўшлиғи гигиенаси коррекцияси муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайди.

Novak A.G. et.all.B. (2014) ўз тадқиқотлари асосида имплантлар ёрдамида протезлашнинг самарадорлигида нафақат остеоинтеграция жараёни, балки имплантни ўраб турган тўқималарнинг ҳолати, уй муолажалари билан мунтазам кўллаб-қувватланадиган оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳам муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайдилар. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, суяк тўқимасига имплантнинг остеоинтеграцияланиш босқичида асоратлар жуда кам - 1 %дан 6% гача бўлади. 1 йилдан 5 йилгача бўлган давр - сунъий таянчларда протезларнинг энг катта барқарорлик даври. Ушбу даврда 6% дан 10% гача муваффақиятсизликлар қайд этилган, улар асосан имплант атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг ўзгариши ва чўнтак шаклланиши билан боғлиқ бўлади. Сунъий таянчлардан 10 йил фойдалангандан сўнг, асоратлар улуши юқори жағда 20% гача кўтарилади ва пастки жағда бир хил даражада - 10% лигича қолади (73).

Имплантат периметри бўйлаб яллиғланиш ривожланишининг асосий омиллари - юқумли омил ва суяк тўқималарига юклама омилдир. Имплантат соҳасидаги яллиғланиш асоратларининг ривожланиши имплантация тўқималарининг ҳолати ва тузилишига бевосита боғлиқ. Бир қатор муаллифлар имплант юзасида юмшоқ тўқимали “премукозал ўсиш”нинг шаклланиши имплантнинг муваффақиятли ишлаши учун зарурий шарт эканлигини қатъий таъкидлайдилар. Тури қандай бўлишидан қатъий назар, ушбу титанга бирикиш жуда мўрт ва қарашдаги микроорганизмлар таъсирида осонгина парчаланadi (47;48).

Афанасьев В.В. ва ҳаммуал. (2009) тиш имплантати ишлашининг ижобий прогнозида беморнинг иммун ҳолатини ҳисобга олиш (биокимёвий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда) ва операциядан олдин бошланган, аниқ режалаштирилган ва тўлиқ амалга оширилган оғиз бўшлиғи гигиенаси коррекцияси муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайди.

Novak A.G. et.all.B. (2014) ўз тадқиқотлари асосида имплантлар ёрдамида протезлашнинг самарадорлигида нафақат остеоинтеграция жараёни, балки имплантни ўраб турган тўқималарнинг ҳолати, уй муолажалари билан мунтазам қўллаб-қувватланadиган оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳам муҳим рол ўйнайди, деб ҳисоблайдилар.

Pautke C. et. All. (2009) қарашнинг юқори индекси ва гингивит даражаси ўртасида, шунингдек, гингивит ва периимплантат чўнтак чуқурлигининг ортиши ўртасида ижобий боғлиқликни аниқлади. Қарашнинг етарли бўлмаган назорати ва суякнинг тезлашган резорбцияси ўртасидаги боғлиқлик Shomurodov K.E. et. All. (2025) томонидан тасдиқланган.

Шундай қилиб, Буляков Р.Т. ва ҳаммуал. (2012) дан иқтибос келтирган ҳолда: “Агар Сиз гигиеник маданияти паст бўлган беморга имплантация операциясини ўтказишга қарор қилсангиз, унинг стоматологик статусига мувофиқ оғиз бўшлиғи гигиенасининг индивидуал дастурини ишлаб чиқишингиз ва унинг тавсияларга риоя қилишини назорат қилиш учун тез-тез кўрик ўтказишингиз ва гигиеник, пародонтологик рақамли

кўрсаткичларни, шу жумладан караш индексини тўплаш орқали ўз кузатувларингизни тасдиқлашингиз керак. Индекс кўрсаткичларига кўра, сиз беморнинг оғиз бўшлиғидаги вазиятнинг у ёки бу томонга ўзгариш динамикасини аниқ баҳолашингиз мумкин”.

Тиш имплантатлари оғиз бўшлиғининг турли муҳитлари ва суюқликлари билан доимий ва узлуксиз алоқада бўлади, шунинг учун имплантга таянадиган протезлардан самарали фойдаланиш муддати нафақат имплантларга нисбатан функционал механик юкламаларга, балки оғиз бўшлиғи тўқималарида ва имплант юзасида ривожланаётган жараёнларга боғлиқ биологик омилларга ҳам боғлиқ (1). Худди табиий тишларда бўлгани каби, имплантнинг бўйнида ва протезнинг гингивал қисмида бляшка, караш ва тиш тоши ҳосил бўлади, уларни олиб ташлаш керак бўлади. Агар ушбу ҳосил бўлганларни ўз вақтида олиб ташлаш амалга оширилмаса, кейинчалик патологик чўнтак шаклланиши ва имплант юзасига эпителиал ёпишиш бузилиши мумкин.

Кўпгина муаллифлар ҳам имплантацияга тайёргарлик босқичида, ҳам ундан фойдаланишнинг бутун даврида, камида ҳар 3-4 ойда профессионал оғиз гигиенаси зарурлигини маъқуллашади (25; 7;8; 19). .

Берсанов Р.У. ва ҳаммуал. (2015) тўрт йиллик тадқиқот натижасида протезлашдан кейин оғиз бўшлиғини тартибли сақлаш учун ҳар 3 ойда стоматолог қабулига ташриф буюриш лозимлигини кўрсатди. Ушбу муддат протезларнинг нормал мослашуви ва хизмат муддатини узайтириш учун етарли.

Самусенков В.О. (2011) имплантат бўлган беморларда тиш ва протезларнинг яхши гигиеник парваришини сақлаб қолиш учун, асосий гигиена муолажаларини намоёйиш қилиш билан шахсий гигиеник парвариш бўйича гигиенист билан эрта маслаҳатлашишни ва тиш бляшка назоратида албатта фармакологик препаратларни, масалан, хлоргексидинни мажбурий қўллашни зарур деб ҳисоблайди.

Табиий тишларнинг яхши ҳолатдаги гигиенасини сақлаш учун ишлатиладиган механик ва кимёвий тозалаш ва антибактериал терапиянинг барча усуллари имплантлар учун ҳам мос келади (29). Мақсад бир хил: карашларни олиб ташлаш ва юзани тоза сақлаш бўлади. Бироқ, унга эришишда фарқлар мавжуд. Курчанинова М.Г.(2010) *in vitro* шароитда турли хил профилактик мосламаларнинг соф саноат титанидан бўлган имплантатлар юзасига таъсирини ўргандилар. Металл дастаклари бўлган кўлда ишлатиладиган металл ва ултратовуш асбоблар ишлатишганда имплантларнинг юзасида тартибсиз чуқурчалар ва тирналишлар бўлган. Резинали қопқоқ ва паста билан ялтиратиш қўлланилганда сезиларли даражада зарарли таъсир кўрсатмаган.

Кузнецова Е.А. (2012) фикрига кўра, сув билан аралаштирилган пемза кукуни асосидаги махсус ялтиратувчи пасталар солинган резина конусларни қўллаш профессионал оғиз гигиенасининг энг самарали усули ҳисобланади.

С.В.Болшаков (2003) ўз тадқиқотида имплантлар соҳасидаги профессионал гигиенада турли материаллардан фойдаланишнинг қиёсий таҳлилини ўтказди. Унинг хулосасига кўра, сканерли электрон микроскопияга кўра, “ЛИКо” имплантати супраструктурасининг сирт ва сиртга яқин қатламлар морфологиясига зарар етказувчи тизимлар ва тозалаш мосламалари комбинацияси билан минималлаштирилиши мумкин. Металл жароҳати ва юзага келадиган сирт топографияси нуқтаи назаридан энг хавфсиз Super Polish (Hawe Neos Dental, Switzerland) пастаси ва Pro-cup (Hawe Neos Dental, Switzerland) қалпоғи билан ишлов берилган вариант ҳисобланади. Ҳаволи абразив тозалаш технологиялардан фойдаланиш тавсия этилмайди, бу ҳам имплантнинг юзасига зарар етказиши.

Тиш протезларидан фойдаланадиган кўплаб беморлар протезни ва оғиз бўшлиғини гигиеник парвариш қилиш муҳимлигини тушунадилар, аммо рационал гигиеник парваришнинг ўрнатилишига тўсқинлик қиладиган турли хил қийинчиликларни бошдан кечирадилар (32;34).

Тиш протезлари бўлган, шунингдек, пародонтит бўйича операция қилинган 19 та беморда ўтказилган уч ойлик тадқиқот маълум бир йўриқномадан сўнг тишларни Басс усули бўйича ювиш ва тишлараро чўткалардан фойдаланиш пародонт саломатлигини сақлашда жуда самарали эканлигини кўрсатди. Шу билан бирга, Мищенко И.С.ва ҳаммуал. (2013) фикрига кўра, имплантларни парвариш қилиш учун битта профилактик тиш чўткаси етарли эмас. Имплантларни парвариш қилишнинг муҳим атрибутлари бўлган Суперфлосс ва тишлараро чўткадан фойдаланиш жуда аҳамиятли. Сўнгги пайтларда оғиз ирригаторлари беморлар ва шифокорлар орасида жуда машҳур бўлмоқда. Оғиз бўшлиғини босим остида суюқликнинг доимий ёки пульсацияланувчи оқими билан тозалаш оғиз бўшлиғи гигиенаси сифатини сезиларли даражада яхшилайдди, шунингдек, милк гидромассажи таъсири туфайли пародонт тўқималарида қон айланиши яхшиланади.

Шундай қилиб, замонавий тиббий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бир қатор омиллар қаторида, оғиз бўшлиғининг дастлабки гигиеник ҳолати ва кейинги гигиеник парваришларнинг дентал имплантлар ёрдамида беморларни даволаш муваффақиятига таъсир этувчи роли яққол намоён бўлди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ишлайдиган имплантлар бўлган беморлар гигиеник парваришнинг махсус усуллари ва услубларини ва даврий профессионал оғиз бўшлиғи гигиенасини кўллашга муҳтож бўлишади. Оғиз бўшлиғи шахсий гигиенасининг замонавий воситалари хилма-хил бўлишига қарамай, янги, айниқса патоген микроорганизмларга қарши самарали воситаларни излаш масаласи очиқлигича қолмоқда.

1.3. Имплант ва абатмент мажмуаси соҳасидаги микрооқмаларини ўрганиш

Замонавий илмий адабиётларда тиш имплантати ва абатмент интерфейсидан микрооқма муаммоларига катта эътибор берилади. Биз ушбу муаммо бўйича элликка яқин мақола топиб, таҳлил қилишга муваффақ

бўлдик. Уларда асосий, клиник жиҳатдан муҳим далиллар сифатида қуйидаги қоидалар кўриб чиқилади:

- имплант-абатмент интерфейси сезиларсиз, жуда кичик ўлчамга эга бўлишига қарамай, бактериял таркибнинг имплантнинг ички интерфейсига ўтиши ва ундан чиқиб кетишининг белгилари назарий жиҳатдан тахмин қилиниши ва амалда қайд этилиши мумкин.

- микроокманинг табиати ва ҳажми абатмент-имплант мажмуаси турига боғлиқ эмас.

- имплант ички интерфейсидан чиқадиган микроокмадаги бактериял флоранинг ҳажми ва табиати билан мукозит ва периимплантит клиник манзараси ривожланиши ўртасидаги боғлиқлик истисно қилинмайди.

Дентал имплантатларни қўйиш ва кейинчалик протезлашни амалга ошириш бўйича жуда кўп муваффақиятли операциялар ўтказилганига қарамай, одатда, кўпчилик муаллифлар ушбу соҳадаги стоматологик аралашувларнинг муваффақиятсизлиги ҳали ҳам анча юқори даражада деган фикрга қўшиладилар (15;16; 26). Кўпинча улар механик сабабларга (имплантат ва абатмент мажмуасидаги микрожароҳатларга) ва одатда, биргаликда таъсир этувчи патоген микрофлоранинг таъсирига боғлиқ. Кўпгина тадқиқотчилар дентал имплантатнинг остеоинтеграция жараёнида ва узоқ муддат сақланиб қолишида микробиологик омилнинг муайян роли борлигига қўшиладилар (27;28).

Икки қисмдан иборат имплантни қўллашда имплант ва абатмент ўртасида бўшлиқ бўлиши муқаррар. Бактериялар ва уларнинг ҳаёт фаолияти маҳсулотлари ушбу бўшлиққа ўрнашиши ва имплант атрофидаги юмшоқ тўқималарда яллиғланиш жараёнларини юзага келтириши мумкин. Асоратлар хавфини камайтириш учун муайян профилактика чораларини кўриш мумкин. Буларга қуйидагилар киради:

- тиш имплантати бирикиш платформасининг субкрестал жойлашуви (23),
- абатментни имплантга улашда торкнинг юқори ($25-35 \text{ н/см}^2$) қийматларидан фойдаланиш (15),

- имплантат ва абатментни бирлаштирувчи юзалар дизайнини ўзгартириш (18, 24;28),
- дентал имплантат ички интерфейсини ёпиш учун герметиклардан фойдаланиш (10;13).

Берилган ҳар бир мисолдаги имплант-абатмент интерфейсидан чиқадиган бактериал оқма миқдори ушбу чора-тадбирларнинг муваффақиятлилик мезони бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, кўплаб тадқиқотлар имплант ички бўшлиғининг микробли ўсиши ва ундан бактериал оқма фактини исботлади (35;37;39;41).

Дентал имплантация тизимларини ишлаб чиқишдаги илмий-техник ёндашувларнинг ютуқларига қарамай, безовта қилувчи омиллардан бири - бу имплант-абатмент мажмуасининг интерфейси ҳисобланади. Ушбу соҳадаги бирикишнинг аниқлиги нафақат бутун фикстура-супраструктура тизимининг барқарорлигига таъсир қилади, балки имплант атрофидаги тўқималарда яллиғланиш жараёнлари ва деструктив ҳолатларнинг ривожланишига сабаб бўлиб, уларга салбий таъсир кўрсатади.

Нуборян А.П., (2012) тиш имплантларини итларнинг жағ суягига ўрнатган. Тажрибада итнинг пастки жағ суягига қуйидагилар ўрнатилди: икки компонентли имплант, бир вақтнинг ўзида унга абатмент бириктирилди (очик усулда киритилди); икки компонентли имплант, абатмент кечроқ бириктирилди (имплант қўйилган пайтдан бошлаб 3 ой); монолит абатмент (очик усулда киритилди). Икки қисмли имплантлар ўрнатилганда суяк тўқималарининг яллиғланиши ва атрофияси ривожланди, монолит имплант қўлланганда ушбу ҳолатлар кузатилмади. Имплант атрофида яллиғланишнинг ривожланиши имплант ва абатмент ўртасида бирикиш мавжудлигига боғлиқ деган хулосага келинди.

Михальченко Д.В. ва ҳаммуал.(2009) ўзларининг Бренемарк имплантларида юкламанинг тақсимланишига бағишланган мақолаларида имплантларга супраструктураларни ўрнатишнинг аниқлиги имплантнинг ва алвеоляр суякнинг сақланиб қолиш прогнозига таъсирини тасдиқладилар.

Persson ва бошқалар (1996) ишламасдан қимирлаб қолганлиги туфайли олиб ташланган, ҳар бири оғиз бўшлиғида 1 йилдан 8 йилгача ишлаган 28 та икки компонентли имплантлар ички юзасидаги микрофлорани ўргандилар. Микробиологик тадқиқотларда факултатив ва анаэроб стрептококклар, *Propionibacterium*, *Eubacterium* ва *Actinomyces* каби граммултимор анаэроб таёқчалар, шунингдек, *Fusobacterium*, *Prevotella* ва *Porphyromonas* каби грамманфий анаэроб таёқчалар устунлиги аниқланди. Катта эҳтимоллик билан, имплантнинг остеоинтеграция босқичида оғиз бўшлиғида патоген бактерияларнинг мавжудлиги даволашнинг жарроҳлик ёки ортопедик босқичида унинг ички интерфейси инфекцияланишига олиб келиши мумкин деб тахмин қилинади.

Мащенко И.С. ва ҳаммуал. (2015) *in vivo* тажрибада оғиз бўшлиғида тўрт соатлик экспозиция ўрнатилган имплант юзасида бактериал плёнка ҳосил бўлиши учун етарли эканлигини кўрсатди.

Бир нечта *in vitro* ва *in vivo* тадқиқотлар остеоинтеграцияланган имплант ички юзасини бактериал флора билан ифлосланишини ўрганиб чиқди ва намоёниш этди (40;43; 50;59;62).

Bessimo ва бошқ., (1999) *in vitro* тадқиқотда имплант ва абатмент ўртасидаги 4 мкм ўлчамдаги бўшлиқ имплант ички интерфейсининг *S.aureus* бактериялари билан ифлосланишига тўсқинлик қилмаслигини исботлади. Муаллифлар ўз ишлари давомида 30 та имплант-абатмент мажмуаларидаги бўшлиқни Cervitex лаки билан (терапевтик стоматологияда яланғоч илдизнинг сезгир жойларини қоплаш учун хлоргексидин ва тимолдан тайёрланган лак, *ivoclar vivadent*) ёпдилар. 1 ҳафтадан 11 ҳафtagача инкубация қилинди. Ҳар ҳафта 5 таси қотирилди. Бактериал тадқиқотлар учун имплантдан суртма олинди. Ягона ҳолатда (тўртинчи ҳафтада) бактериал ўсиш аниқланди, қолган 29 тасида намуна стерил сақланди. Тажриба натижаларига кўра, имплант ва абатмент ўртасидаги микро бўшлиқни йўқ қилиш унинг бактериал ифлосланишини олдини олишнинг муҳим чораси, деган хулосага келинди.

Микрооқма муаммоси билан Jansen ва ҳаммуаллифлар ҳам шуғулланишди (1997). Улар ўз ишларида E.coli бўлган озиқ муҳитда 13 хил имплант тизимини микрооқмага синовдан ўтказдилар. Барча намуналар оқма бўлишини кўрсатди. Силикон герметик билан йиғилган имплантда бир оз камроқ даража қайд этилди.

С.Ю.Иванов, Д.В.Солодка, В.С.Козловский ва ҳаммуаллифлар (2012) турли материаллардан тайёрланган дентал имплантларнинг турли тизимларида “имплант - абатмент - маҳкамловчи винт” конструкциясининг герметиклигини ўргандилар. Тадқиқот учун имплант, абатмент, барча турдаги ЛИКО, ЛИКО-М тизимлари ва наноструктурали НАНО-ЛИКО учун маҳкамловчи винтдан 10 тадан намуна олинди. Имплантларнинг таркибий қисмлари ва уларни йиғишда ишлатиладиган асбоблар олдиндан стерилланди. Имплантларни йиғиш асептика қоидаларига риоя қилган ҳолда стерил боксда амалга оширилди. Имплантларга юктириш учун Staphylococcus aureus ва Bacillus stearothermophilus ишлатилди. Имплантлар 37⁰С ҳароратда 1, 3, 10, 20 кун давомида инкубация қилинди, шундан сўнг улар стерил мослама билан очилди ва абатментни маҳкамловчи винт қандли булон бўлган стерил идишга жойлаштирилди. Бир кун ўтгач, қандли булондан Петри идишларидаги қонли агарга экилди, шундан сўнг бактериал колонияларнинг ўсганлиги ёки ўсмаганлиги қайд этилди. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида иккала тажрибада ҳам микроорганизмлар тест-штаммларининг ўсмаганлиги аниқланди. Тадқиқот ЛИКО, ЛИКО-М ва НАНО-ЛИКО имплант тизимларининг герметиклигини кўрсатди, бу эса ўз навбатида оғиз бўшлиғида ўрганилаётган тизимлар имплантларида таянчли ортопедик тузилмалар мавжудлиги сабабли иккиламчи инфекцияланиш омилини истисно қилади.

Covani, Marconcini ва ҳаммуаллифлар олиб ташланган имплантлар ички интерфейсининг бактериал колонизациясини текширди. 10 та титан имплантлари ва 5 гидроксипатит билан қопланган титан имплантлари қўйилгандан бир неча йил ўтгач олиб ташланган. Олиб ташлаш учун

кўрсатмалар периимплантит ва имплантлар клиник ҳаракатчанлиги бўлди. Барча ҳолатларда винтнинг маҳкамланиши бузилмаган эди. Абатментлар имплантлардан ажратилди ва имплантларнинг ички бўшлиғи таркиби гистологик текширилди. Барча ҳолатларда массив бактериал колонизация қайд этилди, коккли ва ипсимон флора аниқланди.

Фикстуранинг абатментга қониқарсиз бирикишини ортопедик конструкциянинг чархланган тишга ёмон ёпишишига ўхшаш хавф омили сифатида қараш мумкин, бу эса имплантат атрофидаги тўқималарда салбий ўзгаришларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, қониқарсиз сифатли бирикиш абатментда микроҳаракатчанлик пайдо бўлишига ва бактериал генезли ва биомеханик таҳдидли - фиксациянинг заифлашуvidан то маҳкамлаш винтининг ёки ҳатто имплантни ўзини синишигача бўлган хавф омиллари қўшилишига олиб келиши мумкин.

Cardaco M. et.all. (2012), имплантнинг ички интерфейси ҳажмини таҳлил қилиб, унинг 30 дан 135 мкм гача, Assou S. et.all. (2011) - 0 дан 7,5 мкм гача, Jansen ва бошқалар (1997) - 1 дан 10 микронгача эканлигини аниқладилар. Бирикиш платформасининг жағ суяги алвеоляр тизмасининг кортикал пластинкаси даражасида жойлашиши муқаррар равишда имплант ички интерфейсининг бактериал колонизациясига олиб келади. Гистологик тадқиқотларда Greenstein G. et.all ва бошқ., (2010) ҳатто клиник жиҳатдан соғлом имплант атрофи соҳаси ва милк юмшоқ тўқималарида адекват микробиоценоз бўлганда ҳам имплант-абатмент интерфейси соҳасида ўзига хос яллиғланиш ҳужайралари мавжудлигини исботладилар.

Уланиш юзаларининг (конусли ёки ясси олти бурчакли) дизайнидан қатъий назар, имплант-абатмент интерфейси микроорганизмлар ва оғиз суюқликларининг кириб боришига имкон беради. Ҳатто бўшлиқ ўлчами 5 мкм дан кам бўлган юқори аниқликдаги бирикиш ҳам оқманинг олдини олишга қодир эмаслигини исботлади. Микроорганизмларнинг кўп турлари - граммусбат кокклардан грамманфий таёқчаларгача - бу микробўшлиқдан ўтишга муваффақ бўлди.

Greenstein G. et.al ва бошқ., (2010) *in vivo* тадқиқотлари Brenemark тизими компонентларининг ички интерфейсга сизиб чиқишни кўрсатди. Тўққизта беморда уловчи винтнинг апикал қисми биоматериалининг микробиологик текширишлари имплант ўрнатилгандан уч ойдан сўнг 86,2% ҳолларда коккли флора, 12,3% ҳолларда - камҳаракат таёқчалар, 1,5% ҳолларда - спирохеталар мавжудлигини аниқлади. Муаллифларнинг фикрига кўра, флоранинг эҳтимолий манбаи имплант-абатмент интерфейси орқали ўтадиган микроокмадир.

Турли муаллифлар имплант-абатмент интерфейси ўлчамини катталаштириш билан бактериал окма кўпайишининг боғлиқлигини текширдилар. Jansen ва бошқалар, (1997) бунинг учун электрон микроскопдан фойдаланган ва бу боғлиқликни исботлаган. Бироқ, агар баъзи ҳолларда бу боғлиқлик бевосита ва аниқ бўлса, бошқаларида бирикиш юқори аниқликда бўлишига қарамай, имплант атрофидаги зонанинг контаминация даражаси сезиларли даражада сақланиб қолди.

Guindi ва бошқалар (1998) олдиндан шаклланган тожга винтли уланадиган “Na-Ti” тизими имплантларини текширдилар. Ушбу мақсадда *St.aureus* экилган озиқ муҳит билан ўтказилган тажрибада баъзи имплантлар бу эритмага тўлиқ, баъзилари эса уланган платформа даражасигача ботирилди. Биринчи ҳолда, имплант ички бўшлиғи экилмаси 48 соат ичида, иккинчисидан - фақат 120 соатдан кейин ўсиб чиқди, аммо муҳими имплант-абатментнинг барча бирикмалари микроокмага йўл қўйишди. Муаллифларнинг фикрига кўра, ушбу вақтинчалик кечиқишни клиник жиҳатдан аҳамиятли деб ҳисоблаш керак эмас.

Имплант ва абатмент ўртасидаги бўшлиқнинг мавжудлиги мавжуд адабиётларда тасвирланган барча икки қисмли имплант тизимларида кўрсатилган. Унинг клиник аҳамияти кўпинча амалий шифокорлар томонидан эътибордан четда қолади. Хусусан, супраструктура ва фикстурани йиғиш кўпинча ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган буралувчи кучга риоя қилмасдан амалга оширилади. Йиғиш пайтида торк қийматига

мукаммал риоя қилиш муҳимлигини баҳолаш қийин, чунки риоя қилмаслик имплант ва абатмент орасидаги бўшлиқнинг катталашишига олиб келиши мумкин. Юн Т.Е. (2011), динамометрик мосламадан фойдаланмасдан йиғиш пайтида бураш моментига аниқ риоя қилиш имкониятини ўргандилар. Амалга оширилган ҳаракатлар ҳақиқий қийматларининг диапазони жуда катта бўлиб чиқди. Клиниқист 10 н/см^2 кучни ушлаб қолишга уринганда, абатмент винтига $0,7$ дан $18,1 \text{ н/см}^2$ гача, 20 н/см^2 учун - $1,4$ дан $33,7 \text{ н/см}^2$ гача, 30 н/см^2 учун - $8,2$ дан $36,2 \text{ н/см}^2$ гача куч сарфлайди. Махсус асбоблар - динамометрик калитлардан фойдаланмасдан кўрсатилган йиғиш шартларига риоя қилиб бўлмайди деган хулосага келинди.

Wilson T.G. (2009) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, ортопедик конструкцияларни ишлаб чиқариш жараёнида трансферлар ва супраструктуралар билан имплантни йиғиш ва ечиш винт юзасини ва имплантнинг ички юзаларини ўзгартириши мумкин, бу эса тавсия этилган бураш моментининг босқичма-босқич йўқолишига ва имплант-абатмент интерфейси бўшлиғининг катталашишига олиб келади.

Микрооқмани текширишда Gross ва ҳаммуаллифлар (1999) беш хил имплант тизимларини ва toluidin blue бўёғини ишлатишди. Имплантлар ва супраструктураларни йиғиш пайтида бураш моментини 10 дан 20 н/см^2 гача ўзгартиришди. Барча бешта йиғишда микрооқма аниқланди ва вақт ўтиши билан у аста-секин ортди. Муаллифлар ҳам бактериялар, ҳам уларнинг ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган озик моддалар, ҳам бактерияларнинг ҳаёти фаолияти маҳсулотлари имплант ва абатмент мажмуасидан эркин ўтиб, ёқимсиз ҳид ва яллиғланишнинг клиник белгиларини келтириб чиқариши мумкин деб тахмин қилишди. Фақат йиғиш кучини 32 н/см^2 га ошириш орқали микрооқмани тўлиқ тўхтатиш мумкин бўлди.

Яқунда, адабиётларда баён этилган барча икки компонентли имплант тизимларида бактериялар ва улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг микрооқмалари пайдо бўлишига имкон берувчи фикстура ва супраструктура мажмуасининг етарли бўлмаган аниқлиги асоратларни олдини олишга

қаратилган қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Биз ўрганган адабиётларда “имплант-абатмент мажмуасининг дизайни” тушунчаси деганда, имплант билан абатментни йиғишда фойдаланиладиган бўғимли юзаларнинг геометрияси ва ушбу зонанинг конструктив хусусиятлари тушунилади.

Ортопедик стоматологияда қўлланиладиган имплант тизимлари асосан имплант-абатмент мажмуасининг учта туридан фойдаланади:

- олти бурчакли ясси бирикма;
- Морзе конус туридаги конуссимон (ёки ханжар шаклидаги) бирикма;
- конус ва олти бурчакли бирикма.

Морзе конуси - техник атамадир. Унинг имплантология амалиётидаги маъноси шундан иборатки, абатмент ва имплант боғланганда улар конуссимон бўлиб қолади. Бунда имплантга юкламанинг тақсимланиши юза бўйлаб бўлади. Шу тарзда маҳкамловчи винтга тушадиган юклама йўқотилади ва протезли тузилмаларни бураб қўйишнинг олдини олади.

Имплантни абатмент билан боғланишининг ҳар хил турлари имплант платформаси ва периимплант ҳудудда микроорганизмларнинг тўпланишини кучайтириши ёки олдини олиши мумкин.

Клиник тадқиқотларда ясси олти бурчакли бирикмага қараганда конуссимон бирикма фиксациясининг турғунлиги устунлик қилади. Шомуродов К.Э. ва ҳаммуал. (2024) томонидан олиб борилган тадқиқотларга кўра, конуссимон бўғин бактериялар ўтиши учун имплант ва абатмент ўртасидаги бўшлиқни минималлаштириб, “совуқ пайванд” эффектини яратади. Унинг *in vitro* тадқиқотида 12 та конуссимон имплантнинг ҳеч бири контаминацияланган озиқ муҳитнинг ички интерфейсга оқиб ўтишига йўл қўймади ва ўрганилган 13 та имплантнинг ҳеч бири бактериал таркибни ички интерфейсдан сизиб чиқишига йўл қўймади.

Бироқ, D’Ercole ва бошқ. (2011) томонидан олиб борилган тадқиқотлар, конуссимон (10 дона) ва олти бурчакли (10 дона) бирикмали имплантларнинг

ички интерфейсидан ҳар хил турдаги патоген микроорганизмларнинг микрооқмаси бўлиши эҳтимоли бўйича бир оз бошқача натижани кўрсатди. Конуссимон имплантлар 5 донадан икки гуруҳга бўлинди. Биринчи бештаси *Pseudomonas aeruginosa*, иккинчи бештаси - *Aggregatibacter actinomycetemcomitans* билан ифлослантирилди. Худди шундай ҳолат ясси олти бурчакли уланишга эга имплантлар билан амалга оширилди. Йиғмалар 28 кун давомида гўшт-пептонли булонда инкубация қилинди, сўнгра озик муҳитга экилди. “Конуслар” гуруҳида - *Pseudomonas aeruginosa* юқтирилган 2 та имплант ва *Aggregatibacter actinomycetemcomitans* билан юқтирилган 3 та имплант микрооқма ҳосил қилди, “олти бурчакли” гуруҳда – ҳар бир бешталиқдан тўртта имплантда микрооқма ҳосил бўлди. Ҳаммаси бўлиб, биринчи гуруҳда 5 та имплант, иккинчисида - 8 имплант микрооқма мавжудлигини кўрсатди. Тақдим этилган маълумотлар ҳар қандай турдаги имплантнинг ички интерфейсидан бактериал таркибнинг микрооқмаси эҳтимоли юқори эканлигини кўрсатади, гарчи таъкидланганидек, конуссимон шаклли бўғинлар микрооқмаларга анча чидамли бўлади деб қайд этилган бўлса ҳам.

Микрооқмаларни олдини олиш учун имплант ва устки тузилма ўртасидаги алоқани ёпиш учун бошқа уринишлар ҳам бўлган. Шубҳасиз, бозорда ушбу мақсад учун махсус ишлаб чиқилган препарат ҳали ҳам мавжуд эмас. Тадқиқотлар муаллифлари ортопедик конструкцияларни маҳкамлаш учун цементдан (27), терапевтик стоматологияда яланғоч тиш илдизининг сезгир жойларини қоплаш учун ишлатиладиган хлоргексидинли лак (28;37;42), силиконли герметик (80), 1% хлоргексидинли тиш гели (Paolantonio M. ва бошқ., 2008), силикон ҳалқадан (82) фойдаланганлар.

Piatelli ва бошқалар (2003) имплантнинг абатмент билан винтли уланишини цементлаш билан алмаштиришга ҳаракат қилишди. Ушбу тадқиқотда абатмент фикстуранинг ички олти бурчагига цементланди ва текширилди ва винтли уланишдаги шундай ҳолат билан солиштирилди. Ўн иккита имплант винтли уланди, 12 таси цементланди. Бўшлиқ суяқлик

ўтказувчанликка ва бактериологик ўтказувчанликка электрон микроскоп ёрдамида текширилди. Тадқиқотда қуйидаги натижалар олинди: винтни уланиш бўлган гуруҳда бўшлиқ 2 мкм дан 7 мкм гача, цемент билан уланган гуруҳда - ҳар доим 7 мкм бўлди; иккинчи ҳолатда, бўшлиқ ҳар доим цемент билан тўлдирилди. Винтли маҳкамланган гуруҳда барча ҳолатларда суюқлик (толуидин кўк эритмаси) ва микроорганизмларнинг (озик муҳитга экишларда) кириб бориши қайд этилди. Цемент фиксацияли гуруҳда имплант-абатмент интерфейси орқали кириш кузатилмади.

Wilson T.G. (2009), томонидан олиб борилган тадқиқотлар, фикстура ва абатмент бўғини хлоргексидин сақлаган Cervitec лак билан изоляция қилинганда имплантнинг ички бўшлиғида контаминация йўқлигини кўрсатди. Бироқ, Duarte ва бошқалар (2006), силикон герметик (Dow silastic, Dow Chemical) ва 1% хлоргексидин (Cervitec) асосидаги лакнинг изоляцияловчи хусусиятларини баҳолаб, унинг бактериал микроокмани тўлиқ олдини олишга қодир эмаслигини кўрсатди.

Spazzin A.O. et.all (2010), 13 хил имплант-абатмент бирикмаларида микробларнинг ўтишини баҳоладилар. Кўпгина ҳолларда, микроокма биринчи 48 соат ичида содир бўлди. Конуссимон ва ясси бирикма ўртасида, имплант-абатмент интерфейси ўлчамида сезиларли фарқ қайд этилмаган. Таъкидланишича, Friatil-2 имплант тизимида силикон ҳалқалардан фойдаланиш микроокма даражасини пасайтириш имконини берди.

Dibart ва бошқ., (2005), BiconVR имплант тизими ханжарсимон мажмуасининг герметизацияланиш қобилятини ўрганиб чикди, электрон микроскоп ёрдамида гистологик текширувда ва озик муҳитга экиладиган микробиологик тадқиқотларда тизим бўғим интерфейсининг ёпилишини ва бактериал оқмалар йўқлигини кўрсатди. Муаллифларнинг фикрига кўра, бу бўшлиқнинг <0,5 мкм гача кичрайиши билан боғлиқ.

Rautke ва бошқалар (2009), нитинол қотишмали абатментларни текширдилар, улар имплант билан йиғилганда бўшлиқ бўлмайди. Статик шароитда имплант ички интерфейсида E.coli бактериал ифлосланиши

бутунлай бўлмади, динамик юкламалар бўлганда микрооқмалар аниқланди, аммо бу анъанавий винтли тизимларга қараганда анча кам эди.

Koutouzis T. et.all , (2011), имплант ички интерфейсини GapSeal (HagerWerken) силикон ҳалқалар ва силикон герметиклар билан герметизациялаш бўйича қиёсий *in vitro* тадқиқотларни ўтказди. Стерилизацияланган A-din имплант йиғмалари учта гуруҳга бўлинди: герметик қўлланган йиғма, силикон ҳалқа қўлланган йиғма ва назорат гуруҳи. Уларнинг барчаси *E. faecalis* бактериялари бўлган озик муҳитида 37°C да 120 соат давомида инкубация қилинди. Кейин имплантларнинг ички интерфейси таркиби озик муҳитга экилди. Назорат гуруҳида бактерияларнинг ўртача сони 187 КХҚБ, ҳалқали ёпилган гуруҳда - 72 КХҚБ, герметикли гуруҳда - 3 КХҚБ га тенг бўлди, шундан микрооқманинг тўлиқ олдини олиш мумкин эмас деган хулосага келинди, бироқ герметик қўлланганда унинг ҳажми сезиларсиз қийматларгача камайиши мумкин.

Шундай қилиб, биз ўрганган илмий адабиётларда имплант-абатмент бирикиш чизиғи бўйлаб чиққан микрооқмалар келтириб чиқарган остеоинтеграциялашган имплант ички интерфейсининг бактериал колонизацияси имплантларнинг ҳар хил турлари ва тизимлари мисолида кўрсатилган. Истисноларга конуссимон бирикмали имплантларни қўллаш, цементланган бирикмани қўллаш ва бириккан жойни хлоргексидин лак билан герметизациялашнинг бир нечта ҳолатлари киради.

Шундай қилиб, тиш имплантати платформасида фикстура ва супраструктура мажмуаси, шунингдек, ички бўшлиқнинг мавжудлиги, ушбу юзаларнинг чизиқли ўлчамларидан қатъий назар, бактериялар ва улар ҳаёт фаолияти маҳсулотларининг микрооқмалари пайдо бўлишига имкон беради. Бактериал микрооқманинг бўлиши ва унинг ҳажми амалда имплант ва абатмент ўртасидаги бирикиш турига, ушбу зонанинг дизайнига боғлиқ эмас. Периимплантит ва имплант атрофида суяк тўқимаси атрофиясининг ривожланиши имплант-абатмент интерфейсининг ўлчамига бевосита боғлиқ эмас. Шунингдек, бирикиш интерфейсида суяк тўқимасининг едирилиши ва

микрооқма ҳажми ўртасида ҳам бевосита боғлиқлик топилмади. Бироқ имплант ва абатментнинг туташган жойидаги бўшлиқнинг остеоинтеграция жараёнларига ва имплантни ўраб турган тўқималардаги яллиғланиш реакциясига таъсири ҳақида фикрлар мавжуд, бу эса имплант-абатмент интерфейси зонасидан микрооқмани камайтиришга қаратилган тадқиқотлар ва ишланмаларни давом эттириш муҳимлигини кўрсатади.

Тиш имплантациясининг иккиламчи яллиғланиш асоратларини олдини олиш бўйича бундай кенг қўламли ишлар, шунингдек, уларнинг олдини олишда ягона тактиканинг йўқлиги ушбу йўналишда янги тадқиқотлар зарурлигини кўрсатади. Яллиғланиш жараёнлари, имплантация соҳасидаги суяк атрофияси ривожланишининг сабабларини ўрганиш, шунингдек, уларни олдини олишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар ҳозирги вақтда долзарб бўлиб қолмоқда.

II-БОБ. ХУСУСИЙ МАТЕРИАЛНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА АСОСИЙ ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ

Тадқиқот ишларини бажариш ва ишончли натижалар олиш учун ишнинг ахлоқий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишни режалаштириш, маълум миқдордаги тадқиқотни амалга ошириш, тадқиқот объекти ва предметини тўғри танлаш ҳамда кузатувлар сони (n) статистик таҳлил учун етарли бўлиши керак.

2.1. Текширилаётган беморларга умумий тавсифи

Иш рандомизацияланган очик, проспектив, назорат қилинадиган, қийёсий, клиник текширувлар дизайнида олиб борилди.

Тадқиқот амалий характерга эга бўлиб, унда дентал имплантатларда протезлашдан кейин беморларда периимплантитни олдини олишнинг янги усулларини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга қаратилди. Тадқиқотда 21 ёшдан 60 ёшгача бўлган, ҳар икки жинсга мансуб, тишларини протезлаш учун мурожаат қилган беморлар иштирок этди. Барча беморларнинг умумий саломатлиги қониқарли ҳолатда эди.

Тадқиқотда Тошкент шаҳрида яшовчи, “Иккиламчи адентия” ташхиси қўйилган, аниқ намоён бўлган ёндош соматик патологияси бўлмаган 21-60 ёшдаги 92 нафар (эркаклар – 50 та, аёллар – 42 та) бемор иштирок этди. Ушбу ёш гуруҳини танлаш иммун тизимнинг ишлаш қонуниятлари билан асосланади: 18-55 ёшда иммун тизим таркибий қисмлари ўртасидаги боғлиқлик барқарор даражага етади (Лебедев К.А., Понякина И.Д., 1990; Garlet G.P. ва бошқ., 2004).

Стоматологик даволаш ва текшириш ТДСИнинг жарроҳлик стоматология ва дентал имплантология кафедрасида амалга оширилди.

Милк суюқлиги ва имплантат ички интерфейси таркибининг микробиологик текширувлари “NAYOT TECHNOLOGY” МЧЖ лабораториясида ўтказилди.

Тадқиқотдан чиқариб ташлаш мезони тиш имплантацияси ва ёки кейинги протезлашга қарши кўрсатма бўлган умумий ва маҳаллий касалликларнинг мавжудлиги, ҳомиладорлик ва лактация даври ҳисобланади.

Тадқиқотга киритилган барча беморлар илгари DIO фирмаси томонидан ишлаб чиқарилган дентал имплантларни ўрнатиш бўйича жарроҳлик босқичидан ўтган ва фикстуралар тўлиқ остеоинтеграцияланган. Тиш имплантацияси баённомасига мувофиқ белгиланган муддатларда беморлар хирург-стоматолог томонидан даволашнинг ортопедик босқичига юборилган.


Беморлар тавсия этилган даволаш-профилактика мажмуаси бўйича, тасодифий сонлар жадвалини қўллаган ҳолда ўрнатилган оддий рандомизация усули билан уч гуруҳга ажратилди. Барча гуруҳлар жинси ва ёши бўйича бир-бирига мос эди.

Назорат гуруҳида (32 нафар бемор) имплантлар билан абатментларни ўрнатиш анъанавий усулда, антисептик герметик воситаларсиз амалга оширилди. Дастлабки текширувдан сўнг назорат гуруҳидаги беморларга оғиз бўшлиғини гигиеник парваришлаш бўйича тавсиялар берилган машғулот ўтказилди. Кейинчалик ушбу гуруҳдаги беморларда мақсадли профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмади.

Беморларнинг иккинчи гуруҳида (30 киши) абатментларни ўрнатиш герметик воситани қўлламасдан амалга оширилди, аммо тадқиқот даврида беморларга имплант атроф тўқималари яллиғланишини олдини олишга қаратилган, ишлаб чиқилган профилактик чора-тадбирлар мажмуаси қўлланилди.

Учинчи гуруҳда (30 нафар бемор) супраструктурани имплантга маҳкамлаш босқичида фикстуранинг ички бўшлиғи таклиф қилинаётган “ТИМОСЕПТ” герметик аралашмаси билан тўлдирилди, шундан сўнг абатмент ўрнатилди. Назорат даври мобайнида учинчи гуруҳ беморларига ҳам иккинчи тадқиқот гуруҳидаги каби профилактик чора-тадбирлар

мажмуаси ўтказилди. Текширилаётган шахсларнинг жинси бўйича тақсимланиши 1-расмда кўрсатилган.



1-расм. Текширилган шахсларнинг гуруҳларга тақсимланиши

2.2. Тадқиқот усуллари

2.2.1. Клиник стоматологик текширув

Клиник текширувга анамнез йиғиш, беморнинг шикоятларини аниқлаш, кўрикдан ўтказиш, оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати, имплантнинг барқарорлиги, имплант атрофидаги тўқималарнинг ҳолатини баҳолаш ва рентген текшируви киради.

Стоматологик кўрик сунъий ёруғлик остида стоматологик креслода ва стандарт стоматологик текширув тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Текширувга қуйидагилар киради: ташқи текширув, даҳлиз ва оғиз бўшлиғини текшириш. Даҳлизнинг чуқурлиги, юганчанинг бирикиш даражаси, шиллиқ пардаларнинг ранги ва намлиги, прикус тури ва травматик окклюзия ва супраконтрактларнинг мавжудлиги, тиш қаттиқ тўқималарининг ҳолати, пломба ва тожларнинг сифати, уларнинг милк қирраси билан алоқаси, супра- ва субгингивал тиш тошларининг мавжудлиги баҳоланди ва

тиш формуласи аниқланди. Шунингдек, атрофия даражаси, алвеоляр ўсиқнинг шакли ва йўналиши, экзостозларнинг мавжудлиги, алвеоляр ёйларнинг катталиги, тишларнинг ҳолати ва мавжуд конструкциялар, жағларнинг бир-бирига мослиги ҳам баҳоланди. Шиллиқ қаватнинг ҳолати (ранги, пластиклиги ва намлиги), яқин атрофдаги органлар ва тўқималардаги структуравий ўзгаришлар, юганчанинг бирикиш жойда чандиқли ўзгаришларнинг мавжудлиги баҳоланди.

Даволаш режасини тузишда, биринчи босқичда, барча беморларда оғиз бўшлиғи терапевтик ва жарроҳлик йўли билан санация қилинди ва вақтинчалик ортопедик конструкциялар, агар улардан фойдаланиш учун кўрсатмалар мавжуд бўлса, ишлаб чиқарилди.

Бирламчи тортилиш билан битиш (sanatio per priman intentionem) қисқа вақт ичида ингичка, нисбатан мустаҳкам чандиқ ҳосил бўлиши билан кечади. Бирламчи тортилиш билан жарроҳлик яралари, яранинг қирралари бир-бирига тегиб турганда (чоклар билан боғланган) битади. Бунда ярада некротик тўқималар кам бўлади, яллиғланиш сезиларсиз намоён бўлади.

Қирралари бир сантиметргача силжиган кичик ўлчамдаги тасодикий юзаки яралар ҳам чок қўйилмасдан бирламчи тортилиш билан битиши мумкин. Бу атрофдаги тўқималарнинг шишиши таъсирида қирраларнинг яқинлашиши билан боғлиқ ва кейинчалик уларни пайдо бўлган “бирламчи фибринли битишма” ушлаб туради. Шундай қилиб, ушбу битиш усулида яра қирралари ва деворлари ўртасида бўшлиқ бўлмайди ва ҳосил бўлган тўқималар фақат ўсадиган юзаларни маҳкамлаш ва мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Яранинг бирламчи тортилиш билан битиши учун қуйидаги шароитлар бўлиши керак:

- ярада инфекциянинг йўқлиги;
- яра четларининг зич алоқаси;
- ярада гематомалар ва ёт жисмларнинг бўлмаслиги;
- ярада некротик тўқималарнинг йўқлиги;

- бемор умумий аҳволининг қониқарли бўлиши.

Иккиламчи тортилиш билан битиш (sanatio per secundam intentionem)

- йиринглаш орқали, грануляция тўқимасини ҳосил қилиш орқали битиш. Бундай ҳолда, битиш яққол намоён бўлган яллиғланиш жараёнидан кейин содир бўлади, бунинг натижасида яра некроздан тозаланади. Иккиламчи тортилиш билан яранинг битиши учун бирламчи тортилиш билан битишга ёрдам берадиган шартларга қарама-қарши бўлган шартлар зарур бўлади:

- яранинг сезиларли микробли ифлосланиши;
- терининг сезиларли ўлчамдаги нуқсони;
- некротик тўқималарнинг мавжудлиги;
- бемор организмининг ёмон ҳолати.

Иккиламчи тортишиш билан битишнинг икки босқичи мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир фарқларга эга.

Биринчи даврда яллиғланиш анча яққол бўлади ва жароҳатнинг тозаланиши эса анча узоқ давом этади. Яллиғланиш чегарасида яққол лейкоцитар гардиш ҳосил бўлади. Бу соғлом тўқималарни инфекцияланган жойдан ажратишга ёрдам беради. Аста-секин демаркация ва лизис содир бўлади. Натижада, биринчи фазанинг охирида яра бўшлиғи ҳосил бўлади ва иккинчи босқич - регенерация босқичи бошланади.

Регионар лимфа тугунларнинг катталашиши. Регионар лимфа тугунларининг ҳолати пастки жағ ости, ияк ости, кулоқ орқаси ва олдинги бўйин соҳаларини палпация қилиш орқали баҳоланди. Палпацияда катталашган лимфа тугунлари бор ёки йўқлиги, уларнинг ҳаракатчанлиги, атрофдаги тўқималарга ёпишганлиги ва оғриқнинг мавжудлиги аниқланди.

Пародонтологик ҳолатни индексли баҳолаш қуйидаги мезонларга мувофиқ амалга оширилади:

1. Оғиз гигиенасининг соддалаштирилган индекси (OHI-S) GreenJ.C., VermillionJ.R. (1964) бўйича аниқлаш.

2. Периимплантация зонасининг модификацияланган гингивиял индексини аниқлаш (GI) (Loe&Silness, 1967)

3. Свраковнинг йод сонини аниқлаш (1962).

4. Рентгенологик текширув.

Беморларни клиник стоматологик текшириш тўрт марта ўтказилди: абатментларни ўрнатишдан ва ортопедик конструкцияни маҳкамлашдан олдин, тадқиқот бошлангандан сўнг 1, 6 ва 12 ойдан кейин. Адабиётларга (Bower R.C., 1996, Ciaghta R.N., 1999) кўра периимплантит ва пародонтитда патологик ҳолатлар этиологиясида умумийлик ва клиник манзарада ўхшашлик борлигини ҳисобга олиб, тадқиқотлар пародонтит бўйича ўтказилган тадқиқотларга ўхшаш тарзда танланган. (Патрушева М.С., 2013). И.В.Безрукова, А.И.Грудянов (2002) маълумотларига кўра, пародонтал чўнтакларнинг микробиотаси антимиқроб терапия ўтказилгандан сўнг 2 ойдан 4 ойгача бўлган муддатда қайта колонизацияга мойил бўлади. 6 ойдан кейинги кўрик енгил даражадаги сурункали умумий пародонтит билан оғриган беморларни диспансер кузатуви бўйича тавсияларга мувофиқ ўтказилди.

Green J.C., Vermillion J.R. (1964) томонидан таклиф қилинган соддалаштирилган оғиз гигиенаси индекси (ОHI-S) 2 та кўрсаткичдир. Тиш имплантларида таянчли супраконструкциянинг гигиена индекси қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилди: $ИГ_{ск} = ИЗН_{ск} + ИЗК_{ск}$, бу ерда $ИЗН_{ск}$ - супраконструкциядаги тиш карашининг индекси; $ИЗК_{ск}$ - супраконструкциянинг тиш тошининг индекси.

Гигиена индекси қийматларининг интерпретацияси 2-жадвалда келтирилган. Чўкиндиларни индексли баҳолаш мезонларга мувофиқ 4 баллли шкала бўйича визуал тарзда амалга оширилди: 0 балл - юмшоқ караш йўқ;

2-жадвал

Гигиена индекси қийматларининг интерпретацияси

Гигиена индекси қиймати	Гигиена индекси баҳоси	Оғиз бўшлиғи гигиенаси баҳоси
0-0,6	Паст	Яхши
0,7-1,6	Ўрта	Қониқарли
1,7-2,5	Юқори	Қониқарсиз

>2,6	Жуда юқори	Ёмон
------	------------	------

1 балл - протез сунъий тожи бўйнидаги юмшоқ карашнинг узук-улук апроксимал чўкмалари; 2 балл - протез сунъий тожи бўйинини циркуляр қоплайдиган юмшоқ караш чўкмалари; 3 балл - протез тожи юзасининг 1/3 қисмида сунъий бўйинни қоплайдиган юмшоқ караш чўкмалари. Караш индекси дентал имплантлардаги барча таянчли сунъий тожларда баҳоланди ва қуйидаги формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилди:

Σ баллар

$\text{ИЗНск (ИЗКск)} = \frac{\quad}{\quad},$

n

бу ерда Σ балл - баҳолаш мезонлари бўйича баллар йиғиндиси; n - имплантдаги текширилган таянчли тожлар сони. Имплантларнинг юмшоқ тиш караш индекси (ИЗНск) қиймати ва қаттиқ караш индекси (ИСКск) қийматлари умумлаштирилди, имплантнинг гигиена индекси (ИГск) ҳисоблаб чиқилди. Индексни интерпретациялаш қуйидаги мезонлар бўйича амалга оширилди: 0 дан 0,6 гача бўлган ИГск қиймати паст баллга тўғри келади; 0,7 дан 1,6 гача бўлган ИГск қиймати ўртача баллга тўғри келади; 1,7 дан 2,5 гача бўлган ИГск қиймати юқори баҳога тўғри келади; ИГск > 2,5 қиймати жуда юқори баҳога тўғри келади.

Периимплантация зонасининг модификацияланган гингивиял индексини аниқлаш (GI) (Loe&Silness, 1967).

Тиш имплантатидаги таянчли сунъий тожлар соҳасидаги милкларнинг ҳолати Gingival Index (GI) - (Loe&Silness, 1967) гингивал индекси ёрдамида баҳоланди. Ҳар бир имплантда тўртта жой текширилди: - вестибулодистал милк сўрғичи; - милкнинг вестибуляр қирраси; - вестибулярмедиал милк сўрғичи; - милк (ёки танглай) тил қирраси. Қон кетишини аниқлаш учун милк тўмтоқ асбоб билан пайпасланди ва имплант-милк эгати пластик зонд билан эҳтиёткорлик билан зондланди. Милк ҳолатини баҳолаш 4 балли шкала бўйича ўтказилди (3-жадвал)

3-жадвал**Имплантат соҳасидаги милк ҳолатини баҳолаш мезонлари**

Баллар	Милк яллиғланиши даражаси
0	Нормадаги милк – яллиғланиш йўқ, гиперемия йўқ, қон кетиши йўқ
1	Енгил яллиғланиш - гиперемия енгил даражада, шиш енгил даражада, қон кетиши йўқ
2	Ўртача яллиғланиш - гиперемия, шиш, зондлаш ва палпация пайтида қон кетиш
3	Кучли яллиғланиш - кучли гиперемия, шиш, ўз-ўзидан қон кетиши, баъзида - кичик эрозиялар

Имплантатга таянч билан ўрнатилган тожлар соҳасидаги милк текширилди. Ҳар бир имплант яқинидаги баллар йиғиндиси қўшилди, тўртга (баҳоланадиган жойлар сонига кўра) бўлинди ва ушбу имплант индексининг қиймати чиқарилди.

Битта имплант соҳасидаги GI баллари қийматлари йиғилиб, барча ўрнатилган имплантлар сонига бўлингандан сўнг, текширилган шахс имплантлари соҳасидаги GI нинг ўртача қиймати олинди. Унинг интерпретацияси 4-жадвалда келтирилган баҳолаш мезонларига мувофиқ амалга оширилди.

4-жадвал

**Имплантация соҳасидаги милк индексини баҳолаш мезонлари,
баллар**

Тиш GI =	Баллар Σ	<i>Интерпретация:</i>
	4	0,1–1,0 — енгил оғирликдаги гингивит;
		1,1–2,0 — ўртача оғирликдаги гингивит;
		2,1–3,0 — оғир даражадаги гингивит.

$$\text{Шахс GI} = \frac{\text{Тишлар GI}}{\text{...}}$$

Свраковнинг йод сони (1962) Шиллер-Писарев тестининг рақамли ифодаси бўлиб, у, ўз навбатида, йод-йодид-калий эритмаси билан милкларнинг шиллиқ каватини витал бўяшга асосланган. Бунда бириктирувчи тўқималарнинг зарарланиш жойларида яллиғланган тўқималарда гликогеннинг тўпланиши натижасида пайдо бўлган бўялиш кузатилади. Бўялиш интенсивлиги зарарланишнинг оғирлигига мос келади. Яллиғланиш тўхтатилса, рангнинг интенсивлиги ва унинг майдони камаяди. Синов пародонтал тўқималарда яллиғланиш мавжудлигини ва тарқалишини баҳолашга имкон беради. Обьективлаштириш учун бўялишнинг тарқалиши балларда ифодаланади:

2 балл - гингивал сўрғичларнинг бўялиши;

4 балл – милк қиррасининг бўялиши;

8 балл - алвеоляр милкларнинг бўялиши.

Балларнинг умумий йиғиндиси текширилган тишлар сонига бўлинади (одатда 6 га).

Йод қиймати = ҳар бир тиш учун баллар йиғиндиси / текширилган тишлар сони

Йоднинг қиймати қуйидагича интерпретацияланади:

енгил даражадаги яллиғланиш жараёни - 2,3 баллгача;

ўртача даражадаги яллиғланиш жараёни - 2,3-5,0 балл;

кучли яллиғланиш жараёни - 5,1-8,0 балл

2.2.2. Рентгенологик текширувлар

Тадқиқотимизда биз уч ўлчовли тиш компьютер томографияси ва нишонли тиш рентгенографиясини ўтказдик. Рентгенологик текширувлар ProfiMed тиббиёт клиникасида ўтказилди.

Компютер томографияси Rentgen Morita R100 уч ўлчамли рақамли томографда панорамали текшириш функцияси билан амалга оширилди.

Тасвирга тушириш режими: 60-80 kV, 1-10 mA, сканерланган майдоннинг ўлчами (цилиндр) 40 x 40 мм ёки 80 x 80 мм, ультра юқори сифатли режимда экспозиция вақти 15 сония. Мавжуд тишларнинг ҳолати, периапикал тўқималар, жағнинг суяк тўқималари, суяк тўқималарининг резорбцияси даражаси ва периимплант соҳанинг остеопорози баҳоланди. Нишонли тиш рентгенограммаси DVS-100 аппаратида (Жанубий Корея) ўтказилди. Рентгенологик текширувларни назорат ва асосий гуруҳдаги барча беморларда ўтказдик. Ҳаммаси бўлиб 368 та рентген тасвир олинди.

Радиография қуйидаги мезонлар бўйича баҳоланади:

Кортикал пластинкани баҳолаш:

- ўзгаришсиз
- кортикал пластинка юққалашган, унинг яхлитлиги бузилган


Периимплант суяк тўқимасини баҳолаш:

- ўзгаришсиз
- имплант атрофидаги алвеоляр ўсиқ суяк тўқималарининг горизонтал ва вертикал резорбцияси, унинг узунлигининг 0,25 қисмидан то тўлиқ деструкциягача.

2.2.3. Параимплант зона материалнинг микробиологик текширувлари

Периимплантация манжети тўқималарида субклиник маҳаллий ўзгаришларни аниқлаш, клиник манзарани тўлдириш ва терапевтик ва профилактика воситаларини қўллаш натижаларини объектив кузатиш учун қўшимча равишда милк суюқлигининг лаборатор микробиологик текшируви ПЗР усули ёрдамида ўтказилди.

Милк суюқлигини олишдан олдин, текшириладиган жой карашдан тозаланди ва қуритилди.



1-расм. Биоматериални олиш

Бактериологик текшириш учун материал қоғозли эндодонтик штифтлар ёрдамида (№25) имплант-милк эгати соҳасида олинди (1-расм). Штифтлар экспозицияси 30 сония давомида периимплант манжет ва тож ўртасида пинцет ёрдамида амалга оширилди, милк суюқлигининг биологик субстрати параимплант эгатдан олинди. Кейин улар 1 мл физиологик эритма солинган стерил пластик Eppendorf пробиркасига (1,5 мл) жойлаштирилди (2-расм). Намуналар $+4^{\circ}\text{C}$ да 2 соат давомида сақланди ва лабораторияга юборилди. Намуналар лабораторияга совутгичли термал контейнерларда етказилди.



**2-расм. Лабораторияга жўнатиш учун физиологик эритмага штифтлар
солинган пластик пробирка.**

Қуйидаги микроорганизм штаммлари ажратиб олинди, идентификация қилинди ва саналди: *Streptococcus intermedius*, *Streptococcus haemolyticus*, *Streptococcus sanguis*, *Peptostreptococcus anaerobius*, *Streptococcus salivarius*, *Staphylococcus aureus*, *Prevotella intermedia*, *Treponema Denticola*, *Candida albicans* ва *Porphyromonas gingivalis*.



3-расм. Тож ўрнатилгандан кейин 1 ой ўтгач биоматериал олиш

Ортопедик конструкция ўрнатилгандан кейин, 1-, 6- ва 12- ойларда назорат ташрифи пайтида лаборатория тадқиқотлари учун биоматериал олинди (3, 4-расм).



4-расм. Тож ўрнатилгандан кейин 3 ой ўтгач биоматериал олиш

ДНК намунасини текшириш учун “Ампли Прайм® Флороценоз” реагентлар тўплами ва ишлаб чиқарувчи томонидан тавсия этилган инсон ДНКсини миқдорий аниқловчи реагентлар тўплами ишлатилди ва натижалар микроорганизмлар ДНК концентрациясининг инсон шиллиқ қаватининг хужайраларига нисбатан микроб хужайралари сонини акс эттирувчи нормаллаштирилган қийматлари ҳисобланди.

Детекцияли амплификация босқичида пробиркаларга бир марталик филтрли дастаклар ёрдамида реагент, ДНК намуналари ва назорат намуналари солинди. Амплификация учун пробиркаларни тайёрлашда реакция аралашмасининг умумий ҳажми 25 мкл ни, бунинг ичида ДНК намунаси ҳажми 10 мклни ташкил этди.

Битта реакция учун 10 мкл Флороценоз ПЗР-аралашмаси ва 5 мкл ПЗР-буфер-Н керак бўлади. Аралашма текшириладиган ва назорат намуналарининг умумий сони учун ва қўшимча бир нечта реакциялар учун захира тайёрланди.

Пробиркалардаги таркиб Флороценоз ПЗР аралашмаси, ПЗР буфер-Н билан аралаштирилди ва томчилар вортексда чўктирилди. Алоҳида пробиркага реакция аралашмаси тайёрланди, керакли миқдордаги Флороценоз ПЗР аралашмаси, ПЗР буфер-Н билан аралаштирилди, томчилар вортексда чўктирилди. Синов ва назорат намуналари ДНКсини амплификация қилиш учун керакли миқдордаги пробиркаларни ажратиб олдик.

Ҳар бир пробиркага 15 мкл тайёрланган реакция аралашмаси ва ўрганилаётган намуналардан экстракция натижасида олинган 10 мкл ДНК намуналари қўшилди.

Флуоресцент сигнал детекцияси FAM, JOE, ROX ва Cy5 флуорофор каналлари бўйича белгиланади. Бир вақтнинг ўзида бошқа тестлар ҳам ўтказилганда детекция бошқа каналлар бўйича ҳам белгиланади.

Пробиркалар қурилманинг реакцион модул ячейкаларига ўрнатилди ва флуоресцент сигнални аниқлайдиган амплификация дастури ишга туширилди.

Дахлиз циклининг олинган қийматлари (Ct) асосида ва ДНК калибраторлари K1 ва K2 учун белгиланган концентрация қийматларидан келиб чиққан ҳолда автоматик равишда калибрлаш тўғри чизиги қурилади ва 1 мл тажриба ва назорат намуналаридаги стафилококк ДНКси геном эквивалентии (ГЭ) қийматлари ҳисобланади.

2.3. Даволаш- профилактик воситаларни қўллаш усуллари

Жарроҳлик даволаш усуллари. Барча гуруҳларда жарроҳлик аралашувлари маҳаллий оғриқсизлантириш остида бажарилди. Маҳаллий оғриқсизлантиришни танлаш 1:100000 концентрацияда эпинефрин билан 4% артикаин ёрдамида бўлажак операциянинг жойлашувига қараб амалга оширилди.

Клиник вазиятга қараб, юқори жағнинг алвеоляр ўсиғи чўққиси ёки пастки жағнинг алвеоляр қисми бўйлаб шиллиқ қават кесилди ва операция жойини яхши кўриш учун шиллиқ-периостеал лоскут олиб ташланди. Физиологик диспенсер, бурчакли дастак ва борлар ёрдамида тиш имплантати ўрнатиладиган жой шакллантирилди. Лоскут жойига қўйилди ва тугунли чоклар билан маҳкамланди.

Дори-дармонли даволаш. Антибактериал терапия препарати сифатида кенг доирада таъсир этадиган Азимак 500 мг (азитромицин ва магний стеарати) қўлланилди, у кунига 2 марта 1 таблеткадан 3 кун, бунга қўшимча равишда 5мг лик “Зодак” антигистамин препарати кунига бир марта 1 таблеткадан буюрилди.

Иккинчи ва учинчи гуруҳларга кирувчи беморларни ортопедик даволаш жараёнида қўлланиладиган профилактика усуллари мажмуаси стоматологик маданиятни (тишларни назорат остида тозалаш), оғиз бўшлиғини гигиеник парваришлаш қоидаларини, ортопедик

конструкцияларни парваришlash учун индивидуал воситаларни танлашни, оғиз бўшлиғида малакали гигиена тадбирларини ўтказишни ўргатишдан иборат бўлди. Профилактик усуллар ва воситалардан фойдаланиш схемаси қуйидагича бўлди. Имплантлар билан абатментларни ўрнатиш ва ортопедик конструкцияларни маҳкамлашдан олдин бир ҳафта давомида иккинчи ва учинчи гуруҳ беморларида профессионал оғиз бўшлиғи гигиенаси ўтказилди.



Ортопедик конструкциялар ўрнатилгандан сўнг, беморлар ҳар уч ойда бир марта профессионал оғиз гигиенасидан ўтказилди.

Учинчи гуруҳ беморларида абатментни имплантга бириктириш пайтида фикстура винтли шахтасини тавсия этилган “ТИМОСЕПТ” гели билан тўлдирилди.

Тишлар ва ортопедик конструкциялар юзларини оптимал даражада тозалаш учун беморларга бир нечта турдаги тиш чўткаларидан (анъанавий, куч ишлатилувчи, тукчалари V шаклида жойлашган ортодонтик, битта- ва монотутамли тиш чўткалари), шунингдек, суперфлосслар ва ирригаторлардан фойдаланиш тавсия этилди.

Беморларга яллиғланишга қарши, буриштирувчи ва антисептик таъсирга эга бўлган шифобахш ўсимликларни сақловчи даволовчи-профилактик тиш пасталаридан фойдаланган ҳолда тишларни бир кунда икки марта ювиш тавсия этилди (Леус П.А., 2012).

2.4. Таклиф этилаётган антибактериал герметик таркибнинг қўлланилиши

Имплантатнинг ички интерфейсини герметиклаш (ёпиш) учун антибактериал таркиб – бу антисептик тимол қўшилган юқори қовушқоқ силикон асосдир. Препарат сувда эримайди, қаттиқлашмайди. Силикон

матрица имплантат фикстурасининг ички бўшлиқларини ишончли тўлдиради, унинг абатмент билан бириккан соҳасини ёпади, антисептик тимол эса ушбу бўшлиқдаги ва имплант атрофи соҳадаги бактериал микрофлорага таъсир қилади.

Ушбу бирикма имплант ва абатмент, супраструктура ўртасидаги бўшлиқларни ёпиш учун мўлжалланган. У бошидан, яъни имплант ўрнатилгандан сўнг дарҳол маҳкамлаш винти буралганда ишлатилган, чунки имплант соғайиш босқичидаёқ ҳимояланган бўлади.

Стоматологик гелнинг таркибини ишлаб чиқдик ва таклиф қилдик, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Биоорганик кимё институтининг Табиий бирикмалар лабораториясида т.ф.н. Рузметов Ж.А. бошчилигида ушбу гел тайёрланди: унинг таркиби ва фаол моддалари:

- Карбопол - 0,75%
- Метилпарабен - 0,2%
- Этил спирти - 0,5%
- Триэтаноламин - 0,5%
- Тимоптин - 0,005%
- Тимол - 1,0%
- Шалфей экстракти - 1%
- Дистилланган сув - 96%



Препарат кул рангда, тимолнинг ўзига хос ҳидига эга, олинган гелга шартли равишда “ТИМОСЕПТ” номи берилди.



5-расм. Тажриба ҳайвонларида фармако-токсикологик тадқиқот жараёни

Ушбу препарат Тошкент фармацевтика институтининг координацион бирикмалар ва биологик фаол моддаларни фармакотоксикологик ўрганиш лабораториясида Метрогил Дента препарати билан таққосланиб, фармако-токсик текширувдан ўтди. Тажриба ҳайвонларида - ҳар икки жинсдаги оқ сичқонлар (вазни 19-21 г) ва оқ каламушларда (вазни 130-145 г) ўрганилган антибактериал герметизацияловчи таркибнинг марказий асаб тизимига, овқат ҳазм қилиш, сийдик ажратиш ва юрак-қон томир тизимига таъсири баҳоланди, ҳайвонларда салбий таъсирлар кузатилмади (5-расм).

“ТИМОСЕПТ” тиш гелининг ўткир токсиклигини аниқлаш бўйича ўтказилган тажрибалар натижасида интрагастрал юборилганда у заҳарли эмаслиги аниқланди. Ҳаракат фаоллигининг интенсивлиги ва табиати, ҳаракатларнинг координацияси, скелет мушакларининг тонусида бузилишлар кўринишидаги патологик ўзгаришларнинг визуал белгилари кузатилмади. Ҳулқ-атвор реакциялари нормадан четга чиқмади. Тактил, оғриқли, товуш ва ёруғлик стимулларига реакция ўзгармади, сочлар ва терининг ҳолати, шиллиқ пардаларнинг ранги патологик ўзгаришларсиз, иштаҳа, физиологик

эксретор функциялар, юрак-қон томир ва нафас олиш тизимларининг функциялари назорат гуруҳидаги ҳайвонлар билан бир хил бўлди.

“ТИМОСЕПТ” гели Метрогил Дента билан таққосланганда олинган натижаларга кўра, уларни IV хавфсиз дори воситалари гуруҳига тааллуқлилиги тўғрисида хулоса берилди.

“ТИМОСЕПТ” гели ёрдамида тавсия этилган герметизациялаш усули ТДСИ Жарроҳлик стоматология ва дентал имплантология кафедрасида 30 нафар беморда клиник синовдан ўтказилди.

2.5. Маълумотларни статистик қайта ишлаш усуллари

Индексли баҳолашнинг олинган натижалари тиббий статистика тамоийилларига мувофиқ “Excel-7”, “Statistica 5,0” дастурий таъминот тўпламидан фойдаланган ҳолда ва миқдорий таҳлилнинг нопараметрик усуллари қўллаган ҳолда қайта ишланди. Сифатий муқобил ўзгарувчан кўрсаткичлар Фишернинг аниқ усули, % кўрсаткичини қўллаган ҳолда баҳоланди. Гуруҳлар ўртасидаги фарқлар $P < 0,05$ да ишончли деб ҳисобланди.

III-БОБ. ТАДҚИҚОТ ДАВОМИДА КЛИНИК КЎРСАТКИЧЛАРНИНГ ДИНАМИК ЎЗГАРИШЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ

3.1. Назорат гуруҳининг клиник ва рентгенологик кўрсаткичлари динамикаси

Оғиз бўшлиғи гигиенаси даражаси қониқарли деб баҳоланди. ИГскнинг ўртача кўрсаткичи дастлаб $1,2 \pm 0,08$ ни ташкил этди. Милк оч пушти рангда бўлиб, тўғри конфигурацияли, тишларнинг бўйинларига зич ёпишган. Ўрнатилган имплантлар ҳудудида қон кетиш белгиларисиз кератинлашган шиллиқ қават билан қопланган зич милк қирғоғи қайд этилди. Оғиз бўшлиғидаги вазиятни яллиғланиш йўқ деб, ёки енгил даражадаги яллиғланиш мавжуд деб тавсифлаш мумкин. Рентгенограммада патологик ўзгаришлар аниқланмади. Алвеоляр ўсиқнинг ихчам пластинкаси бутун ўсиқ бўйлаб сақланган. Тиш имплантати соҳасида тўлиқ остеоинтеграция қайд этилди.

3.1-жадвалда кўрсатилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бу гуруҳда соддалаштирилган гигиена индекси (Green J.C., Vermillion J.R., 1964) бир оз ошган ва тадқиқот бошланганидан 1 ой ўтгач у 14% га ошган. (0,2 балл). Ушбу даражада ОНІ-S(ИГск) деярли барқарорлашди, 0,2 балл (14%) оралиғида кичик ўзгаришлар мавжуд. Умуман олганда, назорат гуруҳидаги оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасини “қониқарли” деб таърифлаш мумкин.

3.1-жадвалда назорат гуруҳини ташкил этган беморларнинг клиник-рентгенологик кўрсаткичлари маълумотлари келтирилган.

Периимплантация зонасининг ўзгартирилган гингивал индекси (GI) (Loe&Silness, 1967) периимплантация зонасининг юмшоқ тўқималарида кечадиган яллиғланиш жараёнлари ҳақида тасаввур беради.

3.1-жадвал

Назорат гуруҳидаги клиник- рентгенологик кўрсаткичлар динамикаси

	Дастлабки даража	1 ой	6 ой	12 ой
ОНИ-S (ИГск)	$1,2 \pm 0,08$	$1,4 \pm 0,08$	$1,7 \pm 0,09$	$1,6 \pm 0,05$

GI имп			0,09±0,01	0,54±0,08	1,5±0,05
Свраков йодли сони		1,8±0,4	2,0±0,7	2,1± 0,4	2,0± 0,7
Рентгенография (меъёрдан четга оғиш)	Кортикал пластинка			9,99%	23,31%
	Алвеоляр суяк			13,32%	26,64%

Назорат гуруҳида милк индекси кўрсаткичлари тадқиқот бошида $0,09 \pm 0,01$ дан юқори эмас эди, аммо тадқиқот ўрталарида улар $0,54 \pm 0,08$ баллгача, охирига келиб эса $1,5 \pm 0,05$ баллгача кўтарилди. Ўсиш биринчи тадқиқот қийматларига нисбатан 15,66% ва ярим йиллик таҳлил даражасига нисбатан 17,8% ни ташкил этди. Индекс интерпретациясига кўра, конструкция ўрнатилгандан сўнг 12 ой ўтгач, назорат гуруҳидаги беморларда имплантлар ҳудудида милкнинг енгил гиперемияси ва нуқтали қон кетиши билан кечадиган ўртача даражадаги гингивит юзага келган.

Назорат гуруҳидаги беморларда Свраков йод сонининг бошланғич қиймати $1,8 \pm 0,4$ баллни ташкил этди, бу енгил яллиғланиш жараёнларидан далолат беради.

Биринчи ойда ушбу кўрсаткичнинг қиймати 2,0 баллгача (12% га ўсиш) ошади ва биринчи ярим йил охирига келиб у 2,1 баллга (дастлабки қийматдан 16%) етади, буни милк юмшоқ тўқималарининг кучсиз ифодаланган яллиғланиш реакцияси ва ўртача яллиғланиш чегарасига яқинлашиш сифатида тавсифлаш мумкин. 12 ойлик муддатга келиб, яллиғланиш реакцияси даражасининг 2,0 балл даражасида барқарорлашуви аниқланди.

Нишонли рентгенологик маълумотларига кўра, назорат гуруҳида 6 ойлик тадқиқотдан сўнг 3 та беморда (9,99%) периимплантация зонасининг горизонтал суяк резорбцияси, унинг имплант узунлигининг чорак қисмигача бўлган атрофияси ва кортикал пластинканинг юпқалашиши каби рентгенологик манзара аниқланди. Яна битта беморда (3,33%) имплантнинг бир юзаси бўйлаб вертикал суяк резорбцияси кузатилди. Тадқиқот даврининг охирига келиб, ушбу гуруҳдаги 7 беморда (23,31%) кортикал пластинканинг

юпқалашиши ёки унинг яхлитлиги бузилганлиги аниқланди, 3 та беморда (9,99%) имплант яқинидаги суяк атрофияси имплантат узунлигининг 0,25 қисмини ташкил этди, 1 та (3,33%) беморда эса алвеоляр суякнинг периимплантитга хос кратерсимон атрофияси билан фикстура узунлигининг 3/4 қисмида суяк резорбцияси кузатилди (3.2-расм).



3.2-расм. Периимплант суяк резорбцияси бўлган беморнинг рентгенограммаси

Умуман олганда, ушбу гуруҳдаги беморларнинг 13,32% тадқиқот бошланганидан кейин 6 ой ичида имплантни ўраб турган суяк тўқимасида атрофик ёки деструктив жараёнларни бошдан кечирган ва имплантлардан фойдаланишнинг биринчи йили охирига келиб, уларнинг сони 26,64%гача ортди.

Тақдим этилган маълумотлар шуни кўрсатадики, ушбу гуруҳдаги беморларнинг кўпчилигида гигиена даражаси шунчалик пасайганки, вазият милкнинг юмшоқ тўқималарида яллиғланиш ривожланиши ва периимплант зона суяк тўқимасининг деструкцияси чегарасигача яқинлашган.

3.2. Мақсадли профилактика чоралари герметизациясиз қўлланилган беморлар гуруҳидаги клиник ва рентгенологик кўрсаткичлар динамикаси

Мақсадли профилактика чоралари қўрилган, аммо имплант ва абатмент мажмуаси герметизацияланмаган гуруҳдаги беморларнинг клиник ва рентгенологик параметрларининг олинган маълумотлари 3.2-жадвалда келтирилган.

3.2-жадвал

Мақсадли профилактика чоралари герметизациясиз қўлланилган беморлар гуруҳидаги клиник ва рентгенологик кўрсаткичлар динамикаси

		Дастлабки даража	1 ой	6 ой	12 ой
ОHI-S (ИГск)		1,0±0,06	0,4±0,01	0,5±0,02	0,4±0,05
GI имп			0,06±0.001	0,08±0.005	0,09±0.003
Свраков йодли сони		1,4±0,7	0,42±0,06	0,81±0,07	0,9±0,02
Рентгенография (меъёрдан четга оғиш)	Кортикал пластинка			6,66 %	6,66%
	Алвеоляр суяк				3.33%

Профилактик воситалардан мақсадли фойдаланган беморлар оғиз бўшлиғи гигиенаси даражасининг коэффиценти ортопедик конструкция ўрнатилгандан кейин 1 ой ўтгач сезиларли даражада - 60% га камайди ва “оптимал” белгиланди. Кузатувнинг 2- ва 3-муддатларида ОHI-S (ИГ ск) индексининг бироз ўсиши (бошланғич даражага нисбатан 10% га) кузатилди, бу жарроҳлик ва ортопедик тадбирларнинг ижобий натижаси фонида беморларнинг тишларни яхшилаб ювишга бўлган мотивациясининг пасайиши билан изоҳланиши мумкин, аммо у ҳали ҳам дастлабки қийматлардан сезиларли даражада паст бўлиб қолди ва қониқарли ҳолатга тўғри келди.

1, 6 ва 12 ойдан кейин ОНІ-S (ИГ ск) имплант гигиенаси индексидаги ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар 3.2-жадвалда келтирилган. Олинган маълумотларнинг таҳлилидан кўриниб турибдики, 6 ва 12 ойдан кейин оғиз бўшлиғи мунтазам профессионал гигиенаси ўтказилган беморларда гигиена даражаси оптимал бўлган ва назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарк қилган. Имплант гигиена индексини деярли бир хил даражада сақлашга алоҳида эътибор берилиши, унинг қийматидаги ўзгаришлар 30% дан ошмаслиги керак. Умуман олганда, беморларнинг ушбу гуруҳида оғиз бўшлиғи гигиенаси ҳолати ва милклар юмшоқ тўқималарининг яллиғланиши билан боғлиқ вазият “нормал милк” сифатида тавсифланиши мумкин, гингивит белгилари қайд этилмади (3.3-расм).




3.3-расм. Имплантларнинг гингивал индексини ўрганиш (GI имп)

Ушбу гуруҳдаги беморларда Свраковнинг йод сони 1 ойдан кейин $0,42 \pm 0,06$ га тенг бўлиб, 33,3% ни ташкил этган 10 та беморда яллиғланиш жараёни бутунлай йўқлиги аниқланди. Кўрсаткичнинг ўртача қиймати $0,42 \pm 0,06$ баллни ташкил этди, бу унинг дастлабки қийматидан 70% паст. 6 ойлик кузатувдан сўнг Свраковнинг йод миқдори $0,81 \pm 0,07$ қийматга кўтарилди ва бу даражада деярли ўрганиш даври охиригача ($0,9 \pm 0,02$) барқарорлашди. Кўрсаткичнинг бировз ўсишига қарамай, шуни таъкидлаш керакки,

ўрганилган муддатда унинг қиймати бошланғич даражадан сезиларли даражада паст бўлди ва “яллиғланиш йўқ” деб талқин қилинди.

Беморларнинг ушбу гуруҳидаги рентгенологик текширув 2 та (6,66%) беморда олти ой ичида кортикал пластинканинг юпқалашиши ва унинг сезиларсиз атрофияси (1,0 мм гача) аниқланди. Ушбу беморларнинг биттасида атрофик ўзгаришлар ривожланди ва 12 ойлик назорат текширувда имплантат узунлигининг 0,25 қисмида периимплантация зона суяк тўқималарининг атрофияси аниқланди (3.4-расм).

Ушбу гуруҳ кўрсаткичлари маълумотлари барқарор вазиятни кўрсатади. Қабул қилинган чора-тадбирлар имплант атрофидаги юмшоқ тўқималарда қандайдир салбий реакциялар ривожланишини олдини олишга имкон берди.




3.4-расм. Суяк тўқимаси атрофиясининг рентгенологик тасвири

